

# ЎЗНОНСН



Аввал хабар қилганимиздек, 24 май кўни Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан «Иқтисодийнинг барча секторларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шартларини таъминлаш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда республика касабалар уюшма ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар Қўмитаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, жамоат ташкилотлари, таълим ва фан муассасалари вакиллари қатнашдилар. Конференцияда, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Россия, Беларус, Украина, Қозғистон, Қирғизистон касабалар уюшмалари Федерациялари вакиллари ҳам иштирок этишди. (Газетамизнинг 2-3-саҳифаларида тадбир иштирокчиларининг айрим фикрлари билан танишасиз).



## Ҳафтанома

21 май

Олий Мажлис қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳар ва пойтахт вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия Республикаси Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернетти раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳиддинова билан учрашди.

23 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

24 май

Самарқандда шаҳарнинг 2750 йиллик юбилеи муносабати билан «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусида халқаро симпозиум очилди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Чехия Экспорт банки ўртасида икки мамлакатнинг сармовий ва молиявий ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Беларусь Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Андрей Кобяков раҳбарлигидаги делегация аъзолари қатор компания ва уюшмаларда музокаралар ўтказди.

25 май

Мамлакатимизнинг барча мактабларида сўнги кўнги-рок садолари янгради. Тантаналарда ўқувчилар, ўқитувчилар, халқ таълими мутасаддилари билан бирга ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳам қатнашдилар.

Болалар травматологияси, ортопедияси ва нейрохирургиясининг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар билан бирга Россия ва Қозғистондан келган мутахассислар иштирок этди.

### Самарқанд — 2750 ёшда


Ер юзининг сайқали Самарқанд дунё даражасидаги анжуманларга кўп бора мезбонлик қилган. Сайёрамизнинг 16 давлатидан ташриф буюрган меҳмонларнинг бу галги сафари ўзгача. 30 дан ортиқ илму иқтидорда беназир олимлар оксоч юрт тўйи арафасида бир даврага йиғилишди.

қиёт тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий симпозиумни академик Ш.Салимов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов симпозиум қатнашчиларига омад тилади. Сўз олган Самарқанд вилояти

ранкор «Ахмонийларга ва ахмонийлар даврига оид Самарқанддан топилган муҳрлар ва Темур даври марказий Осиё тош йўмакорлиги», италиялик профессор М.Тоzi «Зарафшон воҳаси ўрта қисмининг археологик харитаси: Самарқанд минтақасини

## ШАРҚУ ҒАРБГА ПЕШВОЗ САМАРҚАНД

Президентимизнинг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан сўнг кенг қамровли тадбирлар белгилаб олинди. Ободончилик, бунёдкорлик ишлари кучайтирилди. Самарқанд сўнги бир йилда яшариб-яшнади. Қарор юзасидан Самарқанд Давлат университетида «Юбилей тадбирлари маркази» ташкил этилиб, кўҳна тарихга оид манбалар, адабиётлар тарғибот-ташвиқоти ташкил этилди. Юбилей олдидан халқаро конференцияни ташкил этишга пухта ҳозирлик кўрилди. Конференция тўғрисидаги барча маълумотлар хориж ва республикадаги олимларга электрон почта, факс орқали етказилди. Дунё цивилизациясига муҳим ҳисса қўшган шаҳарлар рўйхати тузилди. Самарқандга тенгдош ёки биродарлашган шаҳарлар назарга олинди. Анжуманга оид сайт яратилиб, уч тилда маълумотлар бериб борилди. Ниҳоят ўша кутилган кун ҳам келди. Улуғбек мадрасаси эрта



тонгдан самарқандликлар ва меҳмонлар билан гавжум. Ошён қошида саф тортган атлас либосли қизлар тавозе билан меҳмонларни кутишди. Мадраса хоналарида халқимизнинг буюк тарихидан сўзловчи кўргазмалар, халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди. Шундан сўнг конференция иштирокчилари буюк бобокалонимиз кўп замонларни мўлжаллаб барпо эттирган нақшинкор устунли муҳташам залга тўпланишди. «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тарақ-

қокими вазифасини бажарувчи А. Баҳромов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейнлар кўҳна юрт ҳақида илиқ фикрлар билдиришди.


Шундан сўнг илмий симпозиум кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди. Профессор Т.Ширинов «Самарқанд шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиёти тарихида тутган ўрни тўғрисида» маъруза қилди. Маърузачи симпозиум қатнашчиларига мазий ва келажакни уйғунлаштирган шаҳар ҳақида батафсил тушунча берди. Французлик олим, профессор, А.Ф-

ўзлаштириш тарихини ўрганиш стратегияси», академик Э.Ртвеладзе «Самарқанд — Буюк Ипак йўли тизимида» каби мавзуларда маърузалар қилишди.


Симпозиумнинг навбатдаги босқичида олимлар шўбаларга бўлинган ҳолда икки кунлик амалий мулоқотга киришишди. Ҳар бир шўба учун махсус жойлар ажратилиб, самарали ишлаш имкони яратилди. 1-шўба «Президент отел» меҳмонхонаси мажлислар зали, 2-шўба Регистон майдонидаги Чорсу мажмуасида, 3-шўба Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида, 4-шўба Самарқанд Давлат университети кичик мажлислар залларида маърузалар тинглашди. Илмий симпозиум илк иш куни ниҳоясида Шердор мадрасасида вилоят ҳокимлиги томонидан қабул маросими бўлиб ўтди. Симпозиум қатнашчилари ва Самарқанд шаҳар фаоллари учрашуви ташкил этилди.

(Давоми б-бетда)

## Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислохотларни амалга ошириш дастури



«Ўзбекистон» нашриётида Президент Ислам Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгилашни ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади» деб номланган китоби чоп этилди.



Ушбу тўпلامдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

Айни пайтда 2007 йил ва яқин келгусида иқтисодий-ижтимоий соҳада амалга оширилиши мўлжалланган мақсад ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд барча омил ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, ҳали-бери ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, бошлаган ижобий ишларимизни изчиллик ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу эзгу мақсадларга эришиш ҳақида сўз юритар экан, олдимизда турган кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартлари сифатида Президентимиз қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

**Биринчидан**, ана шу дастурий вазифаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Давлат раҳбаридан тортиб ҳар бир фуқарогача уларни ҳаётга жорий қилишни ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки Фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Иккинчидан**, элаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улғувор мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, sanoat корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта ҳаётимиз посбонлари бўлиши ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар бир юртдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишни талаб қилади.

**Учинчидан**, шу муқаддас замин-

да биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва фидойилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

**Тўртинчидан**, биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладими — қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайд.

Лекин, бу муваффақиятларга махлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам ҳолисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорани, дўсту душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳануз сақланиб қолаётган хавф-хатарларга очик кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришишимиз шарт.


**Бешинчидан**, бизга ҳамisha маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла оляпмизми?» деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу тўпلامда чуқур асослаб берилган концептуал ёндашув ва қарашлар, амалий фикр ва хулосаларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислохотларни амалга ошириш дастури, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу дастурдан бугунги жамиятимизнинг барча жабҳа ва қатламларида меҳнат қилаётган юртдошларимиз, бутун халқимиз ўзининг орзу-интилишлари, ҳаётини манфаатлари билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб топиши мўқаррар.

УЗА

# Қулай меҳнат



Викинг ХУСБЕРГ, Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун ХМТ субрегионал бюросининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси бўйича кўп гапириш мумкин. Мазкур муаммо бир мамлакат учунгина тегишли бўлмай, бутун дунёдаги илгир фикрлайдиган кишиларни ўйлантирмоқда. Сабаби йилга дунёда 2 миллион 200 минг киши ишлаб чиқаришда тан жароҳати олмақда. Уларнинг кўпчилиги ногиронликка юз тутмоқда. Айримлари эса ҳаётдан бевакт кўз юммоқда. Шу ўринда бир савол тугилади. Терроризмга қарши кураш олиб борамиз, лекин ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга нисбатан нега бундай изчил йўл тутмаймиз? Ахир ҳар икки ҳолатда ҳам инсонлар ҳалок бўлишмоқда-ку!

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЖАРОҲАТЛАНИШЛАР

ИНСОНЛАРГА ФАҚАТ КЎЗ ЁШИ КЕЛТИРАДИ

Тошкентда «Иқтисодиётнинг барча бўғинларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш муаммолари» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция учун авваламбор, унинг ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Биз Ўзбекистондаги кўплаб корхоналарда меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнаткашларга хавфсиз меҳнат шароити қандай яратилаётганлиги билан танишдик. Эътироф этишимиз лозим, айрим корхоналарда бу борада амалга оширилаётган ишлар яхши таассурот қолдирди.

Энди икки оғиз сўз

Халқаро Меҳнат Ташкилоти тўғрисида. Айни вақтда унинг тўртта асосий мақсади бўлиб, булар меҳнат соҳасидаги меъёрларни, шунингдек, асосий ҳуқуқ ва тамойилларни оммалаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш, муносиб бандликка эга бўлиш учун аёллар ва эркаларга кенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя билан қамраб олишни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда трипартизмни кучайтириш ва ижтимоий мулоқотдир. Меҳнат ва яшаш шароитларининг яхшиланиши, бандлик учун имкониятлар кенгайтирилишига кўмаклашадиган халқаро тадбирлар ва

дастурлар, шунингдек, назорат тизимига асосланган ҳолда халқаро меҳнат меъёрларининг ишлаб чиқарилаётгани эса алоҳида таҳсинга лойик.

Ишонаманки, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича вакиллари иштирокидаги мазкур анжуман бизнинг умумий ишимиз учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Шунингдек, республикангиздаги меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Мен ушбу мақсад йўлида ҳамкасбларимга муваффақиятлар тиламан.

Александр ЗАЙЦЕВ, Беларус касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат бош техник инспектори


Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз иш шароитини яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Беларус касаба уюшмалари Федерацияси жамоатчилик назоратини амалга ошира бориб, меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

## Ҳаммаси эътиборга боғлиқ

90-йиллар охирларида касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси доирасидаги ваколатлари йўқолган, умуман олганда, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан жамоатчилик назорати барҳам топган эди. Жамоатчи инспекторлар, касаба уюшмаси вакиллари ва жамоат комиссиялари ҳуқуқлар қарори билан ижтимоий назоратни амалга ошириш ваколатидан маҳрум қилинди. Меҳнат техник инспекторлари ҳуқуқлари ҳам маблағ йўқлиги туфайли йўққа чиқарилди. Натижада касаба уюшма ташкилотлари меҳнат шароити ва хавфсизлигини таъминлашга таъсир этишдан, меҳнаткашларнинг

ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишдан маҳрум бўлдилар. Афсуски, ўтиш даврида давлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршилиқлар, баҳслар ҳам бўлди. Фақат 2002 йил декабрда Беларус касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ўзгариши билан фуқароларнинг конституцияда белгиланган меҳнат ҳуқуқларини рўйба-га чиқариш бўйича аниқ ишлар амалга оширила бошланди. Касаба уюшмасининг меҳнаткашларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиши бўйича уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Беларус касаба уюшмалари Федерацияси таклифига биноан Меҳнат



ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги қарори билан меҳнат техник инспектори вазифасининг малака характеристикаси тасдиқланди. Бу мазкур вазифага касбий тайёргарликдан ўтган ходимларни қўйиш имкониятини бераяпти. Энг муҳими, Беларус касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат техник инспекцияси қайтадан дунёга келди.

Техник инспекцияларнинг вазифаларидан бири, бу соҳада ваколатли бўлган давлат органлари, шунингдек, прокуратура идоралари билан ҳамкорликда иш берувчиларга меҳнат қонунчилиги талабларини тушунтиришга ёрдам беришидир. Биз ишлаб чиқаришда ҳалокатларнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз. Лекин бу борадаги

# Шароити — тараққиёт омили

**Василий ЯКИБЧУК,**  
Украина касаба уюшмалари Федерацияси аппарати меҳнат ва соғлиқни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбари

гишли таклифлар киритилди.

Ишлаб чиқаришдаги 90-95 фоиз бахтсиз ҳодисалар-

## ИНСОН ҲАЁТИНИ АСРАШ — БОШ МАҚСАД

**Иқтисодни бошқаришни ислоҳ қилиш йилларида мулкчиликнинг янги шакли вужудга келиши билан Украинадаги кўплаб корхоналарда меҳнат шароити ва хавфсизлик**

**даражасининг аҳоли ёмонлашди. Буни давлат статистикаси ҳам тасдиқлайди. Статистика давлат қўмитасининг маълумотларига қараганда, 2006 йилда иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича санитария-гигиена нормаларига жавоб бермайдиган шароитларда ишлайдиганлар сони 1,6 миллион киши бўлиб, бу умумий рақамнинг 27,4 фоизини ташкил қилади. Бу 1990 йилга нисбатан 12 фоиз кўпдир.**

Ишлаб чиқаришда хавфсизлик ва ускуналарни эксплуатация қилиш қоидаларининг бузилиши нафақат хизмат кўрсатувчи шахсларга, балки атроф-муҳитга ҳам таҳдид солади. Масалан, кимё, нефтни қайта ишлаш, нефт-кимё саноатида қоникарсиз техник аҳволдаги 80 га яқин аммиак совутички асбоби мавжуд бўлиб, бу исталган пайтда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Давлат, бошқарув, хўжалик ва тадбиркорлик тизими, шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор сусайганлиги туфайли кўплаб корхоналарда ишловчиларнинг конституцияда белгиланган соғлом ва

хавфсиз меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи ва кафолатлари бузилиши ҳоллари учрамоқда. Ишловчиларнинг зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан индивидуал ва жамоа ҳимоя воситалари билан таъминланиши корхоналарда 50 фоизга ҳам етмайди. Ҳатто шахтёрлар ҳам қўқариш ускуналари билан 70-80 фоиз таъминланишган, холос. Баъзан ҳаёт даражасининг пастлиги ва ишсиз қолиш хавфи одамларни юқори хавф остида ишлашга мажбур қилапти. Шунинг учун Украинада ишлаб чиқаришда шикастланиш кейинги йилларда бирмунча камайиб бораётганига қарамай, фарб мамлакатларига нисбатан ҳамон юқоридир.

Кўп ҳолларда ишлаб чиқ-

ришда бахтсиз ҳодисалар рўйхатга олинмасдан, тергов ўтказилмасдан қолади. Ана шундай ҳолатларни касаба уюшмалари аниқлаётти.

Ҳозирги кунда Украинада ҳар 20 та бахтсиз ҳодисадан биттаси ўлим билан тугаяпти. Еуропада эса 800-1300 тадан биттасида шундай ҳолат содир бўлади. Агар шундай давом этаверса, яқин йилларда вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш эмас, ўлим билан боғлиқ рақамлар статистикадан кўпроқ ўрин олади. Бу ҳолатга йўл қўймаслик учун Украина касаба уюшмалари Федерацияси раёсати қарори билан 2007 йил — ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни яширишга қарши касаба уюшмаларининг кураши йили, деб эълон қилинган. Бизнинг илтимосимиз билан бу тадбирда вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш ва бахтсиз ҳодисаларни суғурта қилиш фондлари, соғлиқни сақлаш идоралари, давлат меҳнат муҳофазаси назорати ва прокуратура ҳам иштирок этапти. Ҳайаймики, йил якуни билан марказий ижро органларига те-

га биринчи навбатда жабрланувчиларнинг ўзларини айбдор қилиш муайян хавотир туғдиради. Айниқса, ўлим билан тугайдиган шикастланишлар камаймаётганлиги, баъзи йилларда кўпаяётганлиги гоё катта ташвиш туғдиради. Бунда касаба уюшма вакиллари қатъият кўрсатмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Меҳнат шароитининг ёмонлашуви, ишловчиларнинг зарарли ва ишлаб чиқаришнинг хавфли омилларидан ҳимояловчи воситаларнинг йўқлиги касб касалликларининг кўпайишига, кишиларнинг ногирон бўлишига олиб келмоқда.

Касаба уюшмалари бу йўналишдаги кадрлар билан етарли таъминланмаганлигининг оқибатида бахтсиз ҳодисалар сабаблари чуқур таҳлил қилинмаяпти. Айна шуни учун ҳам Украина касаба уюшма Федерацияси раёсати меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича касаба уюшма вакиллари ўқитиш дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур бўйича деярли барча ўқув юртларида таълим бериш йўлга қўйилган.

**Зухра БОТИРОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

**Таъкидлаш жоизки, Конституциямизда меҳнат ҳуқуқини таъминлаш, яъни меҳнат кишига гамхўрлик қилиш, зарур меҳнат ва турмуш шароити яратиш мустақамлаб қўйилган. 1993 йилда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган эди. Унда иш жараёнида хавфсизлик, инсоннинг соғлиғи ва иш қобилиятини муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чораларини кўриш кўзда тутилган.**



## МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ ЛОЗИМ

Меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ишловчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, экологик хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, иш ўринларининг аҳолини назорат қилиш, ишловчиларни ҳимоя қилишга доир техника хавфсизлиги ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдир. Эндиликда давлат статистика қўмитаси ўз эътиборини меҳнат муҳофазаси бўйича статистик ҳисоботлар жойлардаги ҳақиқий аҳволни, айниқса, тез ўсаётган кичик бизнесдаги вазиятни тўлақонли акс эттирмаётганига қаратса, айни муддао бўларди.

Қонун қабул қилингандан кейинги ўтган давр ичида қўл меҳнати ҳиссасини камайитиришга ёрдам берадиган юксак механизациялашган машина ва жиҳозларни жорий этиш, ишловчиларга мўтадил шароит яратиш бўйича кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан нормал меҳнат шароити яратиш, ишлаб чиқариш шикастланишини камайитириш бўйича вазирликлар, агентликлар, корпорация, ассоциация, ташкилотлар ва корхона раҳбарларининг масъулиятини кучайтиришга доир қатор қарорлар қабул қилинди.

Аёллар меҳнати ва турмуши учун муносиб шарт-шароит яратилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Хотин-қизларнинг жамиятнинг барча соҳасида иштироки, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Фармони фикримизнинг ёрқин далилидир. Агар чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ишлайдиганларнинг 45 фоизи аёллардир. Шунинг учун хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

Шу билан биргаликда қатор камчиликлар ҳам бор. Металлургия учун ҳимоя воситалари етишмайди, жиҳозлар ва агрегатлар эскирган, асоссиз яширин қисқартишларнинг кўплиги туфайли ишчиларга меҳнат юки ошиб кетган.

Уч томонлама комиссияда шикастланиш хавфи бўлган

шундан 71 минг нафари зарарли ва хавфли шароитларда меҳнат қилишади. Тоғ-кон, металлургия ва кўмир саноатида шикастланиш хавфи юқори. Айнан шу жойларда ўлимга олиб келадиган ҳалокатлар, афсуски, кўпроқ учрапти.

Айниқса, ўрта бизнес корхоналарида ишчи ўринларини аттестация қилиш талабга жавоб бермайди. Оғир шароитда ишлайдиган ходимларга имтиёзлар берилмайди. Шароитни яхшилаш учун тадбирлар ўтказилмайди. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўлиқ йўлга қўйилмаган. Уларни ўқитиш ва меҳнатга руҳий мослаштириш учун ҳам шароит яратилмаган. Шунинг учун биз вилоятдаги уч томонлама келишувда меҳнат хавфсизлиги бўйича хизматни ташкил этишга кўмаклашувчи бандни киритдик. Чунки тажриба шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхоналарда меҳнат хавфсизлиги масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Айрим раҳбарларни шикастланиш ва касб касаллиги туфайли иқтисодий йўқотишлар қизиқтирмайди. Бунинг натижасида жароҳатланиш юқори даражада қолиб, бу меҳнат кўрсаткичларига ҳам пугур етказмоқда.



**Александра МАДИЯРОВА,**  
Қараганда вилояти касаба уюшмалари Федерацияси раиси (Қозоғистон)

**Қозоғистон Республикаси ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири миллий қонунчиликда ва халқаро ҳужжатларда мустақамланган меҳнат доирасидаги тамойил ва ҳуқуқларни рўйбга чиқаришдир. Бозор иқтисодиёти ва касаба уюшмалари фаолияти шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун ҳуқуқий асос шакллантирилган. Хусусан, «Меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси ҳақида»ги қонун ижросини таъминлаш учун ҳуқуқат қарори билан дастур қабул қилинган. Унда меҳнат хавфсизлиги ва ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий муносабатларни меъёрий ҳуқуқий таъминлаш асосий вазифа қилиб белгиланган. Шу йил май ойида республика Президентини томонидан Меҳнат кодекси имзоланди.**

## МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛСА...

Кодекс лойиҳаси устида депутатлар, Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ва касаба уюшмалари бир неча йил ишладилар. Қонунда мустақамланган меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг янги модели меҳнат муносабати барча иштирокчиларининг манфаатларини мувоозанатга келтиради. Шартномавий тартибга солишнинг аҳамиятини оширади. «Меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси ҳақида»ги қонунга мувофиқ касаба уюшма ташкилотлари меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида ижтимоий инспекторларни тайинлаш бўйича муайян ишларни амалга оширишди. Ҳозирги пайтда каса-

ба уюшма мавжуд бўлган корхоналарда 3 мингдан ортиқ инспекторлар бор. Кўплаб корхоналарда касаба уюшма кўмиталари ва иш берувчилар меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Меҳнат шароитининг санитария техник ҳолати паспорти жорий қилинди.

Меҳнат хавфсизлиги бўйича «Миттал Стил Темиртау» металлургия комбинатида меҳнат хавфсизлиги ва соғлиқни ҳимоя қилиш кўни тантанали нишонланди. Ўтган йили мазкур компанияга шу мақсадда 3 миллиард танга ажратилган бўлса, жорий йилда яна қўшимча ярим миллиард танга кўп маблағ сарфланадиган бўлди.

корхоналарда, жумладан, «Каззахмыс», «Миттал Стил Темиртау» каби корхоналардаги меҳнат хавфсизлиги масалалари кўтарилди.

2007-2008 йилларга мўлжалланган вилоят келишувда меҳнат муносабатлари, меҳнат ҳимояси ва хавфсизлиги боби бўлиб, унинг 44-бандида жамоатчи инспекторларга жамоатчилик вазифасини бажариш учун бир кун бўш вақт берилди. 39-бандида меҳнат шартномаларида меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси каби техник тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Шунга қарамастан, ишлаб чиқаришдаги шикастланишларни бутунлай бартараф қилиш учун булар етарли эмас. Вилоят корхоналарида 300 минг киши,

давлат бошқаруви тизимининг меҳнат муҳофазаси бўйича вазифасини такорламаймиз. Баҳорги дала ишлари, ўрим-йиғимлар, озуқа тайёрлашлардан касаба уюшмалари ҳам четда қолмаган. Ана шу тадбирлар давомида техник инспекторлар ҳам кишлоқ хўжалиги ташкилотларига меҳнат хавфсизлигини ташкил этишда ёрдам берадилар. Текшириш давомида кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказадиган тартиббузарлик аниқланса, уни тезда бартараф этиш чораларини кўрадилар. Ишлаётган бузуқ машина ва механизмлардан фойдаланишни чеклаб қўядилар. 2006 йилда касаба уюшмалари инспекторлари томонидан 300 дан ортиқ кишлоқ хўжалиги ташкилотлари текширилиб, икки мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланган. Касаба уюшмаси техник инспекторлари, жамоатчи инспекторлар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича инспектор, жамоат комиссиялари бўйича низомлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интизомни мустақамлаш, ишлаб чиқаришда ичкилик-бозликка қарши кураш, пировардида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратишда жамоатчилик

инспекторларнинг ўрни бекиёс. Ҳозирги пайтда 70 мингдан ортиқ инспекторлар фаолият кўрсатмоқда. Улар катта ваколатга эга бўлган масъул шахслардир. Жамоатчи инспекторларни меҳнат инспекторларидан фарқлаш учун кийимларида рамзий белгилар бор.

Касаба уюшмаларига жабрланувчининг ўзи эҳтиётсизлик қилган бўлса, айбдорлик даражасини аниқлаш ҳуқуқи берилган. Алкогол ва гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиш оқибатида бахтсиз ҳодиса рўй берганида алоҳида ҳужжат расмийлаштирилади. Бунда икки томон ҳам жавобгар бўлади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузган жабрланувчи ҳамда ходимнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўзига юклатилган вазифани бажармаган ёлловчининг ҳам жавобгарлиги кўзда тутилган.

Кейинги пайтда меҳнат муҳофазаси жамоатчи инспекторларини ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар институти ўқув базасида касаба уюшмалари фаолларини ўқитишга эътибор қилинапти. Турли кўрик-танловлар ўтказилаяпти, голибларга касаба уюшмаларининг мукофотлари топширилмоқда.

## Рухият сабоқлари

**Ота ўғлига танбеҳ берди:**

— Сенинг ёшингда Наполеон энг аълочи ўқувчи бўлган.

**Ўғил жавоб қайтарди:**

— Сизнинг ёшингизда у император бўлган.

**Фарзанднинг ота-онасини танқид қилишга ҳаққи борми? Фарзанднинг ёшлигида ортиқча бош қотиришга сабаб бўладиган муаммо, тушунмовчилик туғдирмайди. Аммо катталашгани сайин, немис халқ мақолида айтилганидек «кичкина бола — кичкина даҳмаза, катта бола — катта муаммо келтиради». Кўпчилик ота-оналар болага қачон гапириш, қачон оғизни юмиш кераклигини ўргатадилар. Агар фарзанднинг сизга шундай қилсачи? Боланинг катталарга ақл ўргатиши галати, аммо кўз юмиб бўлмайди, бу ҳаётда бор нарса.**

### Фарзандингизга танқид қилиш орқали фикрлашни ўргатинг

Бугунги кун одамига ҳар нарса ёқавермайди — ҳар биримизнинг ўз фикримиз, дидимиз бор. Хўш, дид ва фаросат қаердан пайдо бўлади? Инсон аввало ўз уйида фикр билдириш, тинглаш, кўникиш, рад этишни ўрганади. Ота-она фарзандга ягона намуна экан, хўш, нега у ўз фарзандининг гап-сўзи, муомаласи, баъзи хатти-ҳаракатлари ва айниқса, ўзига тааллуқли танқиддан тўғри хулоса чиқармаслиги керак.

### Ҳаммаси — ёшнинг иши

Икки-уч яшарли бола баъзида ўзига ёқмаган нарсаларни сўз билан ифода-лай олмайди, муштчалари билан бошқаларни уришга тушади. Бундан кулгимиз қистайди, аммо бу билан у нима демокчи бўлаётганини тушунишга ҳар доим ҳам уринавермаймиз.

Тўрт-беш ёшли болалар жаҳли чиққанини кўпинча катталардан эшитиб олган ва катталарнинг ўзи айтишни ман этадиган «хайвон», «эшак», «жинни» каби луғатадаги санокли сўзлар билан ифода-лайди. Сиз улар қилган хатони қайтармасдан этиги билан: «Сенга копток олиб бермасан, нега жинни бўларканман? Ҳадеб янги копток олиб бераверсам, пулим тугайди-ку, ахир», — десангиз у фикрни жамлаб, асослаб гапиришга, тўғри жавоб беришга ўрганади. Сиз кутмаган тарзда: «Ахир, менда бирорта кўк копток йўқ. Мен кўк рангни яхши кўраман», деган асосли фикрни эшитишингиз мумкин.

Лекин биз танқидни кўпинча кўтаролмаймиз, уни бизга қарата отилган ўқ деб биламиз. Аслида, танқид қилиш инсон тафаккурининг ривожланиши, фикрлашни ўрганаётганлигининг белгисидир. Болангиз жим бўлиб, сукут сақлаб, ичимдагини топ дейдиганлар хилидан бўлишини истамасангиз, унинг ўйлашига ёрдам беринг.

Рухшунослар тўсатдан гапирмай қолган ва дудук болаларни ўрганиб, шундай хулосага келишган: болага истаган гапини айттирмаслик, фикри, хоҳиши билан ҳисоблашмаслик ва ё унинг айтган гапидан кулиш уни маънан «соқов» қилиб кўяр экан. «Менинг фикрим ҳеч нимани ҳал қилмайди» деган

хулоса бола «онгида мияни ишлатмаслик керак!» деган буйруққа айланади. Агар ҳақиқатда боланинг ақли ҳеч нимага етмайди, уни бошқариш, доим назорат қилиш керак, деган фикрга қаттиқ ишонсангиз, фарзандингизни бутун умр етаклаб юришингизга тўғри келади. Чунки у бир кун ҳам сизсиз яшолмайдиган гўдак бўлиб қолаверди.

### Оилада фикрни асослашни ўрганиш

Муҳими, боланинг танқидини безбетлик, менси-маслик деб эмас, тажрибасизлик, тез ва нотўғри хулоса чиқариш, деб тушунишимиз керак. У нимага шундай дегани, қандай далил, воқеа-ҳодисага таяниб гапирганини суриштиринг, жазолашга шошил-

гизга заррача путур етказмайсиз, аксинча, бола бир гап айтишдан аввал ўйлаб кўрадиган, босиқ ва совуққонлик билан хулоса чиқарадиган бўлади. Ҳатто тўрт-беш яшар бола сўзингиз билан бераётган тарбиянгиз орасидаги, яъни сўзингиз билан амалингиз ўртасидаги қарама-қаршилик ва адолатсизликни фарқлаш қобилиятига эга. Масалан, саккиз яшар Анвар пул тўплаяпти. Акаси эса ишлатиб юрибди. Анвар пулига сув сепадиган ўйинчоқ тўппонча олмоқчи. Онаси бунини билиб рухсат бермади, бошқа нарса олгин, деди. Анвар эса ноҳақликдан қони қайнаб кетади ва: «Ўзингиз айтдингиз-

энг тўғри огоҳлантиришдир. Истаймизми, йўқми болаларимиз — бизнинг аксимиз. Болангиз тарбия кўрган бўлишини истайсизми, демак, ўзингизни ҳам қайта тарбиялаш вақти келди. Голландлар айтганидек, отилган ўқ ва тарбияни ортга қайтариб бўлмайди.

### Нега ота-она фарзандининг танқидидан кўрқади?

Авваламбор, фарзандда

миз хато қиламиз ва бу хатолар одамни мутлақ гуноҳкор ва ёмон қилиб қўймайди. «Шу ерда мана бундай хато қилдинг. Бунини ундай қилмаслигинг керак эди» — бу хатога берилган энг тўғри баҳо ва энг холис танқиддир. Сифатловчи сўзлар билан эмас, феъл билан хатти-ҳаракат ва қилинган ишга баҳо беришни ўрганинг. Шунда ҳеч ким сиздан хафа бўлмайди ва сиз ҳам ошириб юбормайсиз. Эътибор берган бўлсангиз, намунали оилаларда катта бўлган фарзандлар ота-оналарини: «Бирон марта ёмон гап гапирмаганлар, сўкмаганлар, уришмаганлар» деб хотирлашадилар. Шундай экан, «ялқовсан» дейишдан мақсад аслида «бекор ўтирма» эканини ёдда тутинг.

Танқид қандай бўлишидан

# «Сиз ноҳақсиз!»

манг. Боланинг хотираси жуда кучли ва ўзингиз айтган гапга ўзингиз амал қилмасангиз, у сукут сақлаб ўтирмайди. Чарчаб турган бўлсангиз ҳам, жалингиз чиқиб, ишингиз юришмаётган бўлса ҳам танқидни бақир-чақир қилиш, уришиш, жанжал йўли билан тўсаман деганманг. Сўз билан айтолмаган фикрини бола нотўғри хатти-ҳаракатлар — ўғрилик, бошқа болалар билан бекордан-бекор муштлашиш, ёлгон гапириш шаклида сизга «кўрсатиб» туради. «Писмиқ» болалар тоифаси ҳам айнан бир гап айтишдан чўчидиган болалардан пайдо бўлади. Вазифангиз — бола ўзида пайдо бўлган шубҳа, ишончсизлик, норозилик ва жаҳлни сиздан беркитмасдан, бу ҳақда очиқ-ойдин гапиришга ўргатишдир. Бола Сизни ўзига сирдош билиши учун сиз унинг фикрига қизиқаётганингиз ва ёрдам беришга тайёр эканлигингизни сўзда ва амалда кўрсатишингиз даркор. Акс ҳолда болангиз қилган хатони ҳаммадан кейин эшитишингизга тўғри келади. Ким ҳақ ва ким ноҳақ деб айбдор қидиришни бас қилинг ва ҳозир ўзингиз болага ҳис-туйғу ва жаҳлга берилиб эмас, асосли далилга суяниб йўл тутишни ўргатинг. Кўрқманг, бу билан ота-оналик ҳурматин-

ку, тўплаган пуллариингизга хоҳлаган нарсани оласан деб», — дейди. Агар гапингиз ва ишингизда бирдек уйғунликка эришолмасангиз, болангиз ҳам шу хатони қайтарса, ундан хафа бўлманг. Шунинг учун бундай номуносиблик келиб чиқишининг олдини олинг.

### Далил билан гаплашиш

Агар болангизни чиндан бўйсундиришни, сўкмаслиги, ёмон сўзлар айтмаслигини истасангиз, ўзингиз унга намуна бўлинг. Одатда бола сиз, ака-укалари айтган сўзларни ўзингизга қайтаради. Боланинг хатосини ёмон сўзлар, сўкиш, лақаб қўйиш билан эмас фақат ва фақат далиллаш орқали тўғрилашингиз мумкин. Кимки боласини хатоси учун «хайвон» деса, бола бу гапни бошқа одамга айтса, ҳайрон бўлмасин. Қилинган хатони яхши гап ва тушунтириш билан эмас, сўкиш, уриш, жазолаш билан тўғри-лаш керак экан, деган хулоса болага сизни қилган хатоингиз учун «танқид қилишига» асос бўлади. У сизга индамаслиги ҳам мумкин, аммо муносабати салбий томонга ўзгариши аниқ. — «Урушсанг, яна сўксанг, сен билан гаплашмайман» — бу боланинг нотўғри йўлдан кетаётганини кўрсатувчи

юз берадиган ҳар қандай ўзгариш, унинг ўсиши, касалланиши, юриши, ҳар хил одатларга кўникиши ота-онани озгина чўчитиб қўяди. Лекин унутмангки, танқид нафақат келажак, балки ишлаган миянинг меваси ҳамдир. Айнан шу нарса ота-онани кўрқитиб юборади. Сиз болангизни энди ҳар нарсага ақли етаётганидан кўрқинишнинг эмас, аксинча, хурсанд бўлишингиз ва бирга фикрлашга ўргатишингиз керак.

Иккинчи сабаб — ота-она танқидни нисбий деб эмас, мутлақ нарса деб тушунишидир. «Ваъда берган ўйинчоқингизни олиб бермадингиз, сиз ёмонсиз», деган гапни эшитиб кўпчиликнинг жаҳли чиқади, албатта. Нега? Чунки бола сизни «ёмон» деб норозилигини билдирди. Сиз эса унинг гапига лаққа ишониб «Мен ёмонманми?» деб шубҳаланаёпсиз. Умуман, кўпчиликка унинг хатосини кўрсатиб, «ноҳақсан», «айбдорсан» ва бир қанча «сан», «сан»ларни қўшиб айтилса, хатто энг дийдаси қаттиқ одам ҳам чинакам хафа бўлиб, кўзига ёш олади. Аслида, ҳеч қачон камчилик сифат билан айтилмайди. Ҳеч ким оппоқ, қопқора, мутлақ айбдор ва мутлақ айбсиз эмас. Кимгадир баҳо беришга, айниқса сифатлашга шошилманг-да, ўзингизга «яхшиманми, ёмонманми?» деб савол беринг. Иккиланаяпсизми, демак, бошқалар ҳам шундай, ҳамма-

қатъи назар, ундан кўрқманг ва қочманг. Аслида, танқид одамлар билан алоқа қилиш, уларни синаш, ёрдам беришининг энг самарали усулидир. Ва агар фарзанд шу усулни қўллаш ёшига етган бўлса, уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилмаслик керак. Ўзингиз биринчи бор кимгадир айтган танқидингиз, салбий фикрингиз ва шу гапни айтганингиздан пушаймон бўлганингизни эсланг. Бу хатони афсус билан эсга олсангиз-да, қилган ишингиздан минг бор пушаймон бўлсангиз ҳам, бу хато сизга катта танқид мактаби бўлган. Танқид қилиш — ҳақиқий дўстлик, вафодорлик, хатто муҳаббат белгиси экан, фарзандингиз оғзидан чиққан илк ноҳўя танқид унинг сизга меҳри, вафодорлиги, чин дўстлигининг биринчи нишонаси эканини ёдда тутинг. Танқид орқали нафақат сиз, балки фарзандингиз ҳам сизни «ўстириш» мумкин. Тўғри биз кичиклар катталарга тик боқмаслиги, дангал гапирмаслиги керак, деймиз. Аммо донолар айтганидек ҳақ сўз кимнинг оғзидан эмас, қандай чиқаётганига қараш даркор.

Гулгун СУЛТОНОВА  
тайёрлади

# Абитуриент-2007

Тезроқ катта бўлишни, мактабга бориб катталар каби ўқишни орзу қилмаган боланинг ўзи бўлмаса керак. Мактабга боргач, янги дунёни кашф этамиз ўзимиз учун. Эндиги орзуимиз олий ўқув юртига кириш билан боғлиқ бўлади. Бутун ҳаракатларимиз «олтин давр» томон интилишга қаратилади. Ҳаёт талаба деган номга мушарраф бўлгандан кейингина мазмунлироқ бўладигандек ҳис қиламиз.

Аслида-чи? Баландроқдан туриб назар ташласак, бу ҳам навбатдаги синовлардан бири эканлигини биламиз. Катта ҳаётга қадам қўяётган пайтда қай тараф сари йўл солишимиз шу мақсаднинг амалга ошиши билан боғлиқ. Ушбу саҳифа орқали биз бугунги абитуриентлар ҳаётидан лавҳалар бермоқни ният қилдик. Улар талаба деган номга эришиш учун қандай ҳаракат қилаётганликлари, бу йўлда уларга енгиллик яратаётган ёки аксинча, тўсиқ бўлаётган жиҳатлар билан қизиқдик.

## МАКТАБ ТАЪЛИМИ У БИЗНИ ҚОНИҚТИРАЯПТИМИ?

Педагогик амалиёт ўтаётган дунёда бир кунги нолиб қолди: «5-синфларга она тили фанидан дарс берайпман, дарсликларнинг йўқлигидан эмас, кўплигидан бошим айланиб кетди». Хурсанд бўлдим, ахир ҳамма дарслик билан таъминланган бўлса, нимаси ёмон, дея ажабландим. У эса: «Мени тўғри тушунмадинг, ҳамма таъминланган, бироқ биргина 5-синфнинг ўзида уч хил дарслик», — дея ўйлаиб қолди.

Ҳа, бу ўйлашга арзирли муаммо. Тез-тез янгиланаётган дарсликлар ўқувчини чалғитиб қўймаптимикан? Улар бугун ўқиётган дарсликнинг ўрнини эртага тендер голиби бўлган навбатдаги дарслик эгаллашини ҳаммамиз яхши биламиз, албатта. Энди танганинг иккинчи томонига эътибор қаратсак. Хўш, абитуриентлар қайси дарсликни ўқиб имтиҳонга тайёргарлик кўришлари керак? Фикримизнинг исботи тариқасида бир неча мисолларни келтириб ўтаман.

Она тили фанидан маълумки, қўшимчаларнинг бир тури шакл ясовчи деб номланган. Улар ўз навбатида луғавий шакл ясовчи ва синтактик шакл ясовчи қўшимчаларга бўлинади. Дарсликларимизни кузатар экансиз, бу тушунчаларга аниқ бир атама ишлаб чиқилмаганлигини сезасиз. «Луғавий шакл ясовчи» билан «Исmlарнинг луғавий шакли» ёки «Синтактик шакл ясовчи» билан эса «Исmlарнинг муносабат шакли» атамалари алмашиб кўлланилади. Бу ҳолат 6-синф ўқувчисини чалғитиши шубҳасиз. Моҳият бир хил бўлгани ҳолда, унга турлича ном беришнинг нима кераги бор?

Ўхид кириш имтиҳонларидаги саволларнинг айримлари олий таълим дастуридаги маълумотларни билишни талаб этишини қандай тушуниш мумкин? Тест вариантларини кўздан кечирарканман, бир савол эътиборимни тортди. «-дук, -дук қўшимчалари қандай сўзлар ясайди?» Бу савол жавобини мактаб дарслигидан эмас, бақалавр босқичида ўқитиладиган «Ўзбек адабий тили тарихи» курсидан излаш кераклиги ҳар қандай мутахассисга аён-ку!

Буларнинг ҳаммаси дарсликларга оид айрим мулоҳазалар эди. Энди бевосита таълим жараёнига назар ташласак. Ҳозирда фидойи, ўз касбининг билимдони бўлган педагоглар сони ортаётгани қувончли ҳол. Лекин гуруч курмасиз бўлмагани каби, устоз деган шарафли номга муносиб бўлмаганлар ҳам мактабдек улуг даргоҳда фаолият юритаётганлиги оғриқли нуқталаримиздан.

Юртимизнинг қутлуғ эртасини бугун мактаб партасида ўтирган болакайлар барпо этилди. Шундай экан уларга таълим-тарбия берувчининг ўзи ҳам нафақат билим борасида, қолаверса, ахлоқий фазилатлар бобида ҳам ўрнатилган бўлиши керак. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бешинчи моддасида «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқ

қий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган. Мактаб ҳаётида бунга қандай эришилмоқда? Жавоб топиш мақсадида мактаб ҳаётига назар ташлаймиз. Ўқувчисидан нимадир тамаъ қилаётган ўқитувчи қайси ахлоқ қоидаларига амал қилар экан? Ёки ўқитувчининг «нархи»ни билишга қизиқайтган ўқувчини ким тарбия қилаётти? Бу саволлар мени анчадан бери қийнаб келади, аниқроғи, бу ҳолатга ўзим гувоҳ бўлганимдан бери. Қўшимизнинг еттинчи синфда ўқийдиган қизи ҳали пишиб улгурмаган хурмолар билан тўлдирилган пакетни кўтариб, мактаб томон шошиб борарди. «Буларни қаерга олиб кетаяпсан?» — қизиқиб сўрадим. Жавобдан ҳангу манг бўлиб қолдим: «Устозим тайинлагандилар».

Бундай ҳолатлардан кўнгил хира тортса, кундан-кунга ҳақиқий педагоглар сони ортиб бораётганлиги таълим-тарбия жараёнининг порлоқ келажакка умид уйғотади. Улар тўфайли бугун билимли ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Энг муҳими, мустақкам билим исталган жойда ишончли қурол эканлигига ишонч ортиб бораётти.

### ЁЛЛАНМА


#### «АБИТУРИЕНТЛАР»

Ҳамма бирдек севиб томоша қилаётган турк сериалларидан бирида шундай саҳна бор эди: қахрамон қиз дўсти билан бир олийгоҳда ўқишни жуда хоҳлайди, бироқ йиғитнинг тайёргарлиги бироз суст, керакли натижага эришиши даргумон. Шунда қиз унинг ўрнига имтиҳон топшириш учун бошқа одам топади. Ҳамма нарса ҳал бўлган, белгиланган вақт етиб келганда, йиғит ўзи учун ўзи имтиҳон топширмоқчи эканлигини маълум қилади. «Ҳозир имтиҳонни ўзим топширмасам, бир умрга ўзлимни йўқотаман. Энг катта фожеа шунда юз беради», — дея мақсад томон дадил қадам қўяди ва натижаси хайрли бўлиб чиқади.

Фикр нима ҳақда кетаяпти деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? 1 август яқинлашгани сари талаба бўлишга аҳд қилган айрим кишилар тайёргарликни «кўчайтиришди». Ихтиёридаги озгина фурсатни «шпора»лар топишу ёлланма «абитуриент» излашга сарфлайдиганлар (кўзлаган ниятларига етишишнинг шу йўлини маълумроқ билишди) ҳам оз эмас. Имтиҳонга бормасдан талаба бўлиб қолаётганлар (!) борлиги ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Бу эгри йўлдан кимлар юраяпти? Нима учун? Қандай қилиб? Шу каби саволлар бирин-кетин туғилаверади.

Билимни қурол қилган ҳар бир абитуриент мақсадига эришиши аниқ. Узига ишонмаганларгина ўғалардан ёрдам кутади. Яратган ҳар биримизни ақл билан зийнатлаган. Қалб берганки, ақл англай олмайди-ган жиҳатларни туйғулар билан эгалласин, ҳалолни ҳаромдан, тўғрини эгрідан ажрата олсин дея. Талабалик катта ҳаёт томон қўйилган да-

слабки қадам дея эътироф этилар экан, нега уни эгрилик кўчасидан бошлашингиз керак? Ўзингиз каби (сиздан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмаган) бошқа киши сизнинг номингиздан, сиз бўлиб иш тутаётган вақтда наҳот виждонингиз оғриқ ҳис қилмасиз? Ахир, бу жиноят. Буни қонун ҳам, қалбингиз ҳам тасдиқлайди. Сиз учун бироз овқатлана олмайди, агар кимдир «мен сиз



Imtihonga  
... kun qoldi.

ушун тушлик қилдим, бошқа ишларингиз билан бемалол шуғулланаверингиз», деса шубҳасиз унга «беақл» деган тамгани босасиз. Нега энди «сизнинг ўринингизга имтиҳон топшириб бераман», дейишларини уздабуронлик деб аташимиз керак? Икки ҳолатнинг бир-бирини деярли фарқи йўқ-ку! Соддароқ ва бир оз қўлоқроқ қилиб айтганда, иккинчи ҳолат «Сизни Худо ақл деган нарсадан салгина қисган-да!» деган писанданинг амалдаги кўриниши ҳоло.

«Талаба бўлиб олсам бўлди, у ёғи билан нима ишим бор?» демоқчимисиз? Адашасиз. Талаба бўлиш эмас, қандай қилиб талаба бўлиш муҳим. Кириш имтиҳони натижаларига кўра ҳавас қилса арзиғулик балл тўплаган бир курсдошим биринчи семестрдаёқ ихтисослик фанларини ўзлаштира олмай, ўқини ташлаб кетди. «Имтиҳонни ўзим топширмаганимдан кейин...» У ҳақда эсласам, фақатгина шу сўзлари ёдимга келади.

«Агар чин дилдан истаса ва ҳаракатини мақсад томон тўғри йўналтира олса, инсон ҳамма нарсага эриша олади», — дейишади донишмандлар. Бу ҳақиқатни ўзингизда синаб кўринг. Зеро, сиз бунга қодирсиз!

Дилдора РАҲМОНОВА

## Бўлажак талаба нега кам ухлайди?

Илм эгаллашнинг афзалликлари борасида алломаларимизнинг кўплаб қимматли фикрлари мавжуд. Муборак ҳадиси шарифларда ҳам илм излаш фарз эканлиги баён этилган. Хўш, илм ўрганишни қачондан бошлаш керак? Жавоби барчага аён бўлган ушбу саволни ўртага ташлаганимизга ажабланган бўлсангиз керак. «Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш, деб бежиз айтилмаган-ку, ахир», — дерсиз. Тўғри, бу фикрга биз ҳам тўла қўшилаемиз. Аммо айрим ёшларимизнинг «ҳечдан кўра кеч» қабилдаги хатти-ҳаракатлари кишида бироз норозилик уйғотади-да.

Гап шундаки, лицей ёки коллежни тамомлаш арафасида бўлган ёшлар сўнгги ўқув йили бошида ўзларини бироз улғайган ҳис этадилар. Зиммаларига тушаётган улкан масъулият — абитуриентликни янада теранроқ англаб, вақтдан тўғри фойдаланишга уринадилар. Аммо бунинг қилаётганлардан кўра, имконни қўлдан бой бераётганлар кўпроқдек назаримда. Бойси, ўқувчилар орасида абитуриентликдан талабаликкача бўлган йўлни бир уринишда босиб ўтаётганлар камроқдек. Уларнинг аксарияти яна бир йил (икки-уч йил ҳам) катта тайёргарлик эвазига олий ўқув юртига киришга муяссар бўлмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Битирувчини (ўз номидан ан-

лича эътибор қаратмаган ота-она-ними? Шу савол билан айрим абитуриентларга мурожаат қилдик.

Ҳабиба Нажмиддинова, олий ўқув юртига кириш учун учинчи марта имтиҳон топширувчи:

— Вилоятимизнинг чекка ҳудудида жойлашган мактабда ўқиганман. Олий ўқув юртида таҳсил олиш учун юқори билим талаб этилишини биринчи йилги тест натижаларидан сўнг англаб етдим. Ушанда руҳимдаги ўзгариш ўқишга гайрат билан киришишга ундади. Ҳеч нарсага чалғимай учта фан бўйича билимимни мустақкамлашга киришдим. Аммо иккинчи йил ҳам омадсизликка учраганим тўғриси алам қилди. Шунда юрагимдан «ўқишга нисбатан шундай эътиборни нега аввалроқ бошламадим-а?» деган ўқинч ўтди. Билим олишга бўлган иштиёқимнинг кучайишида тайёргарлик жараёнида менга «репититорлик» қилган устозимнинг дарс ўтиш услуби ва талабчанлигининг ҳам ўзига хос улуши бўлди. Чунки мактабда бизга дарс берган ўқитувчилар орасида бундайлари бармоқ билан санарли эди. Тўғри, бир киши билан шуғулланиш синфда дарс ўтишга нисбатан осонроқ. Аммо мактаб даврида оз-оздан бўлса-да ўзлаштириб борилган билим хотирада мустақкам қолар экан. Уйлайманки, ўқувчилар ўз вақтида пухта билим эгаллашлари учун устозлар бор маҳоратини ишга солиб, уларда ўз фанига қизиқиш уйғотиши ва шу билан бирга етарлича талаб ҳам қилиши керак.

Низомиддин Мўминов, абитуриент:


— Абитуриентликнинг қанчалик оғир, машаққатли давр эканлигини икки йил давомида янада тушуниб етдим. Уч йил академик лицейда ўқиганимга қарамай (у ерда тартиб кучли эди), ҳамон талаба номига мушарраф бўла олмапман. Ростки ҳаракат, интилиш ва устозлар сабоғи қониқтиради. Аммо бу борада яна бир жиҳат мавжудки, яъни муайян-фанлар бўйича чоп этилган турли дарсликлардаги тафовут кишини чалғитмоқда. Айниқса, тарих фани дарсликларидан саналар бир-бирига тўғри келмаяпти (масалан, 6-синф Ўзбекистон тарихи). Ўзбек тилига ҳам қатор англиклар кириптилиши уни мураккаблаштириб юборгандай. Лекин уларни ўрганишимиз шарт, чунки тест саволлари ана шу дастур асосида тузилган. Жавоб топишдаги иккиланган сабаб натижага эриша олмапман, деб ўйлайман.

Мен билан суҳбатлашган аксарият абитуриентлар ҳам илмга бефарқ қараганлари учун ўзларини айбдор санаб, вақт ўтиб кетганини афсус билан эслашди. Улар бу йилги имтиҳон натижаларининг муваффақиятли бўлишига умид қилмоқдалар. Биз эса барчасига омад тилаймиз. «Ҳаракатда баракат», — деганларидек, кимки мақсадни аниқ белгилаб, унга интилас кўзлаган ниятига етиши муқаррардир. Бўлажак абитуриентларнинг юқоридаги фикрлардан тегишли хулоса чиқариб олишларини истардик. Улар ҳам вақт ўтиб бугунги суҳбатдошларимиз каби афсусланиб қолмасин.

Мактуба МҲМИНОВА,  
«Ishonch» мухбири



Самарқанд  
шаҳрининг  
2750  
йиллигига



## ШАРҚУ ҒАРБГА ПЕШВОЗ САМАРҚАНД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Самарқанд — Шарқ машъали. Дунё шаҳарлари орасида энг улугларидан. Бу гаплар кўп бора такрорланди. Айниқса, хориж олимлари буюк бобокалонларимиз мероси, шарқ маданияти, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлқинлиб гапирдилар. Улардан баъзиларининг фикри билан танишинг.

**Майкл Барри Лейн, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили:**

— Кўҳна шаҳарнинг муборақ ёши ҳақида баҳс-мунозаралар бўлди. Ўзбек олимлари Самарқанднинг 27 ас-

рдан ортиқ тарихини исботлашди. Мени лол қолдиргани бу гўшадаги бунёдкорлик бўлди. Дунёнинг ҳеч бир ерида қадриятларга бу қадар эъзоз, ҳурмат кўрсатилмади. Кўҳна Самарқанд ҳамон навқирон. Обидаю мақбараларга янгидан жон ато этилапти. Тасанно. Президент И. Каримов ана шундай умумбашарий ишларга бош-қош. Авлоду аждодлар учун авайланаётган, бус-бутун сақланаётган қадриятлар халқингизнинг улуглигидан далолат.

**Ф.Грне, профессор (Франция):**

— Илмий симпозиумда «Афросиёбнинг илк истехкомлари тарихига доир янги маълумотлар» мавзuida маъруза қилдим. Каминани бу сеҳрли юрт ҳамиша ўзига тортиб келган. Улкан тарихни буюк халқина ярата олади. Мен Ўзбекистонга хавас ва ҳурмат билан қарайман. Ҳали бу борада кўплаб изланишлар олиб бориш ниятим бор. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, тантилиги ҳамиша мени ҳайратга солиб келади.

**Профессор Д. Жоржетти (Италия):**

— Европа Шарқни, айниқса Самарқандни эъзозлай-

ди. Самарқанд Шарқ ва Ғарбни боғловчи савдо йўли чорраҳасида жойлашган шаҳар. Буни ўз маърузамда батафсил баён этдим. Буюк Ипак йўли бўйидаги шаҳарлар орасида алоҳида мавқега эга бўлган. Самарқанд ҳам Рим сингари мозийдан сўзлайди. Аждодлар улугворлигини маҳобат билан ҳамон исботлаб турибди.

**Г. Миндакулов, Қозоғистон:**

— Қардош ўзбек халқининг улкан анжуманлари биз қўшниларсиз ўтмайди. Буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари бутун Марказий Осиёга машъал сифатида Самарқандни қайта барпо этган. Бу албатта бизнинг ҳам фахримиз. Мен улкан анжуманга алоҳида ҳозирлик билан келдим. Қозоқ халқлари тарихида Самарқанднинг аҳамияти мавзuidaги маърузам кўпчиликка манзур бўлди.

**Профессор А. Фофур, Хитой:**

— Шарқ машъали Самарқанднинг уйғур мумтоз маданиятида ҳам ўзига хос ўрни бор. Асрлар сиру синоатини бизгача етказган бу қутлуғ заминни таваф қилганимиздан мамнунмиз. Анжуман ташкилотчиларига раҳмат.

Халқаро илмий симпозиум иштирокчилари икки кун мобайнида фикрлашдилар, илмий маърузалар тинглашди. Шаҳар қадамжолари, кўҳна обидаю мақбаралар зиёратида бўлишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## Дунёни лол қолдирган шаҳар

Ярим миллионлик Самарқанд шаҳри аҳолисига дунё халқларининг хаваси ортиши шубҳасиз. Ахир ўтмиш ва келажакни боғлаган юрт бағрида улғайиш ҳам бир саодат.

Аждодларга муносиб ворисларгина улар анъанасига содик қолади. Буюк соҳибқирон бобокалонимиз Амур Темур ҳазратлари ҳам, кимлигимизни англамоқчи бўлсанг, қурган иморатларимизга назар ташла, дея лутф қилганлар. Дарҳақиқат, бугунги Самарқанднинг салобати, маҳобати, малоҳати улуг аждодимиз лутфи қарамига монанд. Мақбараларнинг яхлит бир майдонга айлантирилишига озмунча меҳнат кетмади. Кўҳна шаҳарни «Минг бир кеча»да ўқиб, бу юрт ишиқиди ўртанган Германиянинг Вайенштефан олийгоҳи профессори Херберт Штробел жаноблари кейинги икки йиллик ўзгаришдан лол қолганини яширмади. Мўъжиза ва уни яратувчи авлодга ҳамду санолар ўқиди.



Бугун Самарқандни дунё таниди. Ахборот воситаларининг барчаси, интернет сайтларида мозий ва келажакка кўприк бўлган юрт ҳақида етарли ахборот тарқатилган. Нафақат юртимиз, балки олис ва яқин хориж алломалари ҳам хайрли юмушга ҳисса қўшяпти. Хусусан ўзим Океан орти ҳамда Европа олимлари томонидан тайёрланган ўта муҳим маълумотларни жамлаган сайт саҳифаларини учратдим. Қалбимда гурур-ифтихор уйғонди. Ахир Шоҳи Зинда, Бибиҳоним мажмуалари, Регистон майдони, Афросиёб дафинаси, Гўри Мир мақбараси, Улуғбек расадхонаси шу урларга сифмайдиган мўъжиза эмасми?

Таниқли ёзувчи Роберт Капланинг Самарқанд ҳақидаги рисоалари адолат мезонидан сўзлайди. Европа ва Осиёни боғлаган Буюк Ипак йўлидаги кўҳна шаҳар ҳамиша ер юзи нигоҳида бўлган. Самарқанд ҳақида унга келган хорижлик хоҳ ўтмишда бўлсин, хоҳ бизнинг замонамизда бўлсин мухтасар фикр билдиришга интилган. Кўриниб турибдики, дунё цивилизациясига улуш қўшган, тарихга ўз сўзини ўтказган Самарқанд бугун олам нигоҳида.

Бугун шуқуҳ ва шаън ҳақида тўхталишга ҳақлимиз. «Самарқанд: кеча, бугун, эртага», «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги» китоб-альбомлари, «Регистон» мейморий ансамбли альбоми, «Шоҳи Зинда» ансамбли буклетлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши юрт ҳақидаги тасавурларни бойитади.

Акрам ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти талабаси



Самарқанд автомобилсозлигида бурилиш бўлди. «Самавто» масъулияти чекланган жамияти Япониянинг «Исузу моторс» русумдаги автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бундан олти йил илгари ўта замонавий, йўловчиларни ҳар жиҳатдан қулайлиги билан ром этган автобуслар кўчаларни тўлдирган эди. Туркиялик ҳамкорлар билан «Самкочавто» қўшма корхонасида «Отайўл» автобуслари ишлаб чиқарила бошланди. Илк қадам мазкур санаотнинг оёққа туришига имкон яратди. Тан олиш даркор, сўнгги йилларда Туркия ва Европадан келтирилаётган бутловчи қисмларнинг қимматлашиб кетиши оёққа тушов бўлди. Муаммолар қаршисида довдираб қолинмади. Негаки бу борада Самарқанд автомобилсозлари автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган мустаҳкам база, тажрибали мутахассислар негизини

## ЎЗИМИЗНИНГ «ИСУЗУ»

яратиб улгурганди. Шу боис, хорижий шериклардан акциялар тўлалигича сотиб олиниб, корхона ўз мулкимизга айлантирилди. Ана шундай дадил қадам дунё автомобилсозлари эътиборини тортди.

Ўзини азалий дўст, ишончли шерик сифатида намоён этиб келаятган Япония ишбилармонлари «Самарқанд автомобил заводи» билан қизиқа бошлашди. Юртимиз иқтисодийётига қарийб 2 миллиард долларлик сармоя киритиб ҳамкорлик қилаётган японлар шерикчиликнинг янги саҳифасини очди, десак ҳеч муболага эмас. Минтақада ягона заводга иккинчи умр баҳшида этилди. Йилига 4 минг дона автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга корхона яқин ва олис

хориж бозорларини забт этишга бел боғлаган.

— Компаниямиз энг кўп юк автомобиллари, дизель двигателлари ишлаб чиқаради, — деганди тақдирот маросимиди сўз олган компания президентининг экспорт масалалари бўйича ўринбосари Горо Шинтане. — Бу соҳадаги қарийб бир асрлик тажрибамиз Самарқандда ҳам асқотишига ишончимиз комил. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қатор имтиёзлар тадбиркорлар доирасига манзур бўлиб келаяпти.

Эътиборли жиҳати шундаки, «Самарқанд автомобил заводи» жамоаси ишлаб чиқараётган «Исузу» автобуслари «Отайўл» махсулотла-

ридан техник имкониятларига кўра анча устун туради. Шаҳар ичидаги қатновга мўлжалланган 32 ўринли, шаҳар атрофига қатновчи 21 ўринга мўлжалланган ихчам, ўриндиклари қулай автобуслар ҳамда юк автомобиллари бошқарув тизимида қатор янгилар бор. Ёниги сарфининг камлиги, мустаҳкам тормоз тизими хавфсизлик кафолатидир.

Янги автобус эҳтиёт қисмларининг муайян қисми Самарқандда тайёрланаётганлиги эътиборга молик. Автомобил ойналари, бўёқлар, ўриндиклар, устки ва ташқи қопламалар каби бутловчи қисмлар аллақачон маҳаллийлаштирилган. «Сампласт» корхонаси автобуснинг орт қисмидаги бамферни


етказишни ўз гарданига олди. Айни пайтда ҳамкорлигимиз мукамал техника учун рама, двигатель, узатмалар кутиси, ҳаракат қисмлари, шиналар таъминотида узилишларга йўл қўймай келаяпти.

— Амалдаги йилда 1,5 мингта автомобиль ишлаб чиқарилиши, шундан 200 таси Самарқанд шаҳри ичида қатнаши бизни беҳад қувонтирди, — дейди самарқандлик уруш фахрийси Ҳамид бобо Саидов. — Ҳар жиҳатдан қулай ўз автомобиллигимизда юриш қалбимизга гурур солади.

Илк қадамларидан дунё эътиборига тушган Самарқанд «Исузу»ларининг келажакни порлоқ. Мазкур корхона она юртимиз нуфузи янада ошишига, дунёдаги етакчи ўринга кўтарилишига хизмат қилишига имонимиз комил.

Илҳом БОТИРОВ,  
журналист

ISHONCH



28 май - 3 июн

Душанба

28

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома».

раси. 20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Айборот». 21.35 ТВ анонс.

20.10 «Яшанба нонушласи». 20.30 «LbEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида)

17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм «Шумтакалар».

7.00 «Бодоро удро». 8.05 «Малахов +».

19.10 «Жди меня». 20.00 «Моя девушка». 20.20 «Спорт-менеджмент».

04.00 «Первый». 04.05 «Доброе утро». 08.00 «Новости».

04.00 «Доброе утро, Россия!». 08.00 Д/ф «Валентина Леонтьева: сказка и боль».

15.00 «Кулагин и партнеры». 15.40 «Местное время. Вести - Московская область».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Следствие вели...».

04.00 «Доброе утро, Россия!». 08.00 Д/ф «Валентина Леонтьева: сказка и боль».

09.00 М/ф. 10.00 Х/ф «Слишком красивая для тебя».

07.00 М/с «Самурай Икс». 07.20 М/с «Полиция будущего».

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».

Сешанба

29

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Айборот».

20.00 ТВ анонс. 20.05 «ТВ шифокор».

15.55 «Икки». 16.00 «ДАВР».

7.00 «Бодоро удро». 8.05 «Малахов +».

21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 21.45 «ТВ юрист».

7.00 «Бодоро удро». 8.05 «Малахов +».

04.00 «Первый». 04.05 «Доброе утро».

23.40 «Новые новости». 00.00 Х/ф «Амстад».

04.00 «Доброе утро, Россия!». 07.45 Д/ф «Советская империя. Народный автомобиль».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Следствие вели...».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Следствие вели...».

03.10 Т/с «МУР есть МУР».

07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».


07.00 М/с «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Олень и волк».

Чоршанба 30




5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот».



6.55 Дастурнинг очишили. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

16.00 «ДАВР». 16.15 «Ватаним!» 16.20 «Пойтахтдан узокроқда».




7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфомацион мусикий дастур.

21.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 21.45 «ТВ юрист».




7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).




04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро!» 08.00 Новости.

22.40 «Два мастера одной Маргариты». 23.40 Ночные новости.




04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.45 Д/ф «Как убивали Павлика. История одного мифа».




05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».

«Германия». 02.10 «Возвращение Мухтара 2».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».




07.00 М/с «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/с «Соломенный бычок».

Пайшанба 31



5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иқлими. 21.00 «Ахборот».




6.55 Дастурнинг очишили. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

16.00 «ДАВР». 16.15 «Ватаним!» 16.20 «Автопатруль».



7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфомацион мусикий дастур.

22.45 «Анонс». 22.50 Кино: «Замороженный». Фильм с участием Луи Де Фьонса.




7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).




04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро!» 08.00 Новости.

07.45 Д/ф «Безумие Бориса Андреева». 08.45 «Вести. Дежурная часть».




04.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».




05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».

«Германия». 08.30 М/с «Аргай».



10.00 Х/ф «Мой папа - герой». (Франция). 12.00 Х/ф «Посланик королевы».



07.00 М/с «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Сестрица Алёнушка и братец Иванушка».

Жума

1



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иклими. 21.00 «Ахборот».



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўниги. бағишланган телемарафон. 6.55 Дастурнинг очилиши.

12.35 «Болалар табассуми». 12.40 «Лизюкова кўчасида яшовчи мушук». Мультфильм.




Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўниги. 7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар

рус/. 20.15 «ТВ юрист». 20.20 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўниги «Дилбандим».



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида)



04.00 Новости. 04.05 «Доброе утро!» 08.00 Новости. 08.20 «Малахов +».

23.00 Комедия «Дюплек». 00.40 Триллер «Свидетель».




04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.35 «Вся Россия». 07.45 «Мой серебряный шар».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!» 09.00 «Сегодня».




07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 М/с «Полиция будущего», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Таежная сказка».


Шанба

2



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

00.35-00.45 Тунги наволар. «Uzbekistan». 00.45 Кўрсатувлар дастури.




6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

18.55 «Икклим». 19.00 «ДАВР». 19.30 «Каталог».




7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида) 7.50 «Бодрое утро».




04.40 Х/ф «Прорыв». 05.00 Новости. 05.10 Х/ф «Прорыв».




04.40 Х/ф «Прорыв». 05.00 Новости. 05.10 Х/ф «Прорыв».

будущего». 01.50 Триллер «Конвой под прицелом».




05.00 «Доброе утро, Россия!» 06.30 «Студия Здоровье».



05.00 Х/ф «Я тебя обожаю». 06.30 «Сказки Баженова».

23.40 «Микс-файт М-1. Бой без правил».



07.00 М/ф. 10.00 Х/ф «Двойная команда».



07.00 Х/ф «Детективы в поисках сокровищ».

**Якшанба**

**3**




5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 Олтин мерос.  
«Болалар сайёраси»:  
8.50 1. «Озод юрт болалари».  
2. «Кузя учун уй». Мультфильм.  
10.25 ТВ анонс.  
10.30 «Саломатлик сирлари».  
10.50 «Шарқ тароналари».  
11.10 «Хайт давом этади».  
11.30 «Оила ришталари». Телесериал.  
12.05 ТВ анонс.  
12.10 «Хандалак».  
12.40 «КиноТеатр».  
13.05 «Эрли хотин». Бадий фильм. 1-кисм (Хиндистон)  
14.10 ТВ анонс.  
14.15 «Эрли хотин». Бадий фильм. 2-кисм.  
15.20 «50/50». Ток-шоу.  
«Болалар сайёраси»:  
16.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
16.45 «Юввошвойнинг саргузаштлари». Видеофильм.  
18.25 «Оҳанглар огушида».  
18.35 «Интеллектуал ринг».  
19.20 Дунё иқлими.  
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.  
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)  
20.05 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.  
20.50 Дунё иқлими.  
21.00 «Тахлилнома».  
21.45 ТВ анонс.  
21.50 «Оҳанрабо».  
22.30 «Хитойча даво». Бадий фильм.  
00.10-00.20 Тунги наволар.  
«Uzbekistan»  
00.20 Кўрсатувлар дастури.  
00.25 ТВ анонс.  
00.30 «Хайт давом этади».  
00.50 «Самарқанд-2750».  
00.55 Дунё иқлими.  
1.00 «Тахлилнома». Информацион дас-тур (рус)  
1.30 Олтин мерос.  
1.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
2.10 «Халқ ўйинлари».  
2.30 «Интеллектуал ринг».  
3.15 «КиноТеатр».  
3.40 «Кўҳна оҳанглар».  
3.55 Дунё иқлими.  
4.00 «Тахлилнома». Информацион дас-тур.  
4.40 ТВ анонс.  
4.45 Миллий кино: «Едгор».  
5.45-5.55 Тонги наволар.

13.45 «Матонат».  
14.00 «Абадият онлари». Самарқанд Та-рихий либослар театри.  
15.00 «Ер сайёраси». Илмий-оммабоп фильм.  
15.50 «Ринг қироллари».  
16.40 «Чемпион сирлари».  
17.00 Таътил тўхфаси: «Ишбилармон ки-шилар».  
18.20 «Айланай»  
18.40 «Малика - 2007».  
18.50 «Мафтункор ва бетакрор!»  
18.55 «Иқлим».  
19.00 «Давр ҳафта ичида».  
19.30 «Оқшом кўнгироқлари».  
19.40 «Хайлпарастлар». Ҳажвий дастур.  
20.00 «Дилроз». Муסיқий дастур.  
20.30 «Йул бўлсин».  
20.45 «Тараннум». Дам олиш дастури.  
21.30 «KINOMANIYA».  
22.00 «Кавказ асираси». Кинокомедия.  
23.20 - 23.30 «Таскин».



7.25 Кўрсатувлар тартиби.  
7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин-формацион муסיқий дастур.  
8.30 «Анонс».  
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.  
9.15 «Телекурьер - маркет».  
9.35 «Афиша».  
9.45 «Анонс».  
9.50 «ТВ юрист».  
9.55 Кино: «Келинлар кўзголони».  
11.05 «Интервью».  
11.15 «Истеъдод».  
11.30 «Анонс».  
11.35 «Телекурьер-маркет».  
11.55 Мультфильм: «Учинчи сайёра сирин».  
12.40 «Муסיқа SMS».  
13.00 «Анонс».  
13.05 Кино: «Такси 4».  
14.25 «Дорихона эшитади»/рус/.  
15.10 «ТВ юрист».  
15.15 «Анонс».  
15.20 Мультфильм: «Сезон охоты».  
16.40 «Телекурьер-маркет».  
17.00 «Саргузаштлар ороли».  
17.25 «Анонс».  
17.30 Кино: «Шунчаки орзу». 1-2 к-млар. Премьера. /Хиндистон/.  
20.00 CINEMA.UZ.  
20.25 «Жозоба».  
20.50 «Анонс».  
20.55 «Нима учун?»  
21.35 «Туризм ҳақида»/рус/.  
22.05 «Анонс».  
22.10 Якшанба кинозали: «Последний легион». Премьера.  
23.40 - 23.45 «Хайрли тун, шахрим».



7.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида)  
7.50 «Бодое утро».  
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.15 «Непутёвые заметки».  
9.35 «Пока все дома».  
10.25 «Кўнук стартлар».  
11.00 Самбо. Осиё чемпионати.  
13.00 «Ракибингиз гроссмейстр».  
13.20 «Файзли ошхона».

13.45 Теннис. Франция очик чемпионати.  
14.20 - 15.10 ПрофРИНГ.  
...  
18.00 «Халқ ўйинлари».  
18.20 Мультфильм.  
18.30 «Версия». Информационно-анали-тическая программа.  
19.00 «Спорт уик-энд».  
19.40 «Тайм-аут».  
20.00 «Ровесник».  
20.20 «Король ринга».  
21.30 «Талкин». Информацион-тахлилий кўрсатув.  
22.00 Смешное кино: «Как отделаться от парня за 10 дней». Художественный фильм (2-кисм)  
22.55 Еврофутбол. Евро-2008 саралаш учрашуви. Франция - Украина.  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**1 ПЕРВЫЙ**

05.00 Новости.  
05.20 Комедия «Добро пожаловать, или Посторонним вход воспрещен».  
06.50 «Служу Отчизне!»  
07.30 М/с: «Дональд Дак представля-ет», «Ведьма».  
08.20 «Умницы и умники».  
09.00 Новости.  
09.10 «Непутёвые заметки».  
09.30 «Пока все дома».  
10.20 «Фазенда».  
11.00 Новости.  
11.10 «Живой мир». «Дикие Карибы».  
12.20 «Их разыскивает милиция».  
12.50 «Клуб Веселых и Находчивых». Высшая лига.  
15.10 Комедия «Бетховен 5».  
17.00 «Времена».  
18.00 «Русские миллионеры. Расплата за успех».  
19.00 «Кто хочет стать миллионером?»  
20.00 Воскресное «Время».  
20.50 «Король ринга».  
22.20 Х/ф «Во имя мести».  
00.10 Х/ф «Осторожно, деньги».  
02.00 Детектив «Восток - дело тонкое».

**РОССИЯ**

05.00 Комедия «Ключи от неба».  
06.30 «Сельский час».  
07.00 «Вести».  
07.10 «Местное время. Вести - Моск-ва».  
07.20 «Диалоги о животных».  
07.55 М/ф «Продается сивая лошадь».  
08.05 «Аншлаг и Компания».  
09.05 «Сам себе режиссер».  
10.00 «Вести».  
10.10 «Местное время. Вести - Моск-ва».  
10.20 «Городок».  
10.50 «Сто к одному».  
11.45 «Смехопанорама».  
12.15 «Парламентский час».  
13.00 «Вести».  
13.20 «Фитиль №135».  
14.10 «Вести. Дежурная часть».  
14.40 «Честный детектив».  
15.10 Комедия «Королева бензоколон-ки 2».  
17.00 Концерт «Взрослые и дети».  
19.00 «Вести недели».  
20.00 «Пятая студия». «Завещание Ле-нина».  
20.25 Детская песня «Евровидение-2007».  
22.35 Детектив «Меченые».  
01.05 Боевик «Полный привод». (Фран-ция - Великобритания).  
03.15 Канал «Евроьюс».

**НТВ**

04.55 Комедия «Фанфан-Тюльпан».  
(Франция).  
06.30 М/ф «Возвращение блудного по-лугая», вып. 1-3.  
07.00 «Сегодня».  
07.15 Лотерея «Русское лото».  
07.40 «Дикий мир».  
08.05 «Счастливей рейс».  
09.00 «Сегодня».  
09.20 «Едим дома».  
09.55 «Их нравы».  
10.30 «Авиаторы».  
11.05 «Тор Gear».  
11.40 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».  
12.00 «Сегодня».  
12.25 Фестиваль юмора «Москва - Ялта - транзит».  
14.25 Д/с «Победившие смерть».  
15.00 «Сегодня».  
15.25 «Один день. Новая версия».  
16.00 «Своя игра».  
16.55 Т/с «Кодекс чести 2».  
18.00 «Сегодня. Итоговая программа».  
18.50 «Чистосердечное признание».  
19.00 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».  
19.55 «Главный герой».  
21.00 «Воскресный вечер».  
22.05 Х/ф «Рим». (США).  
00.15 Х/ф «Робот-полицейский 2».  
(США).  
02.25 «Криминальная Россия».  
03.25 Х/ф «На всю катушку». (США).

**ТВ-3**

07.00 М/ф.  
07.30 Жизнь, полная радости.  
08.00 М/ф.  
10.00 М/ф «Крутой вираж». (США).  
12.00 Х/ф «Миллионы». (Великобрита-ния).  
14.00 Х/ф «Тумстоун». (США).  
17.00 Х/ф «Приключения Мортадело и Филимона». (Испания).  
19.00 Киноманя.  
20.00 Х/ф «Дверь в полу». (США).  
22.15 Х/ф «Если бы знать».  
00.00 Т/с «Сумеречная зона», 3 с.  
01.00 Х/ф «Аллея перерезанной глот-ки». (США).  
03.00 Х/ф «Адам и Ева». (Канада).  
05.00 Т/с «Шлионка 3», 2 с.  
06.00 Муз.Релакс.

**СТС**

07.00 Х/ф «Детективы в поисках про-павшей принцессы».  
08.15 М/ф «Каникулы Бонифация».  
08.35 М/ф «Дядя Степа - милиционер».  
08.55 М/с «Итси-Битси паучок».  
09.20 М/с «Смешарики».  
09.30 М/с «Просто Норман».  
10.00 М/с «Улица Сезам».  
10.30 М/с «Секретные материалы псов-шпионов».  
11.00 «Самый умный».

13.00 Т/с «Виола Тараканова. В мире преступных страстей 3». Фильм 3. «Фокус-покус от Василисы Ужасной», ч. 2.  
15.00 «Снимите это немедленно».  
16.00 Д/с «Мать и дочь».  
17.00 «Истории в деталях». Спец. выпуск.  
17.30 «6 кадров».  
17.45 Т/с «Надежда уходит после-дней», 2 с.  
22.00 Х/ф «Новые Робинзоны».  
00.00 «Кинотар-2007».  
01.00 «Кино в деталях» с Ф. Бондар-чуком.  
02.00 Х/ф «Конформист».  
03.55 Х/ф «Три могилы».  
05.40 Д/с «Бушующая планета. Вода».

**Информационно аналитический отдел компании «GENEROUS» предлагает**  
Электронная Версия (база) нормативных документов «Охрана труда и техника безопасности» — ОТТБ  
Тел: 144-25-63  
Факс: 144-84-81  
E-mail: info@fiml.uz  
Web-site: www.fiml.uz

**ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ**  
Профили из мировых производителей АКФА и VERATEC  
**В КРЕДИТ 50%**  
Условия кредита по тел: 144-10-10, 701-60-60  
272-05-91 103-62-17 119-62-17 Факс: (9971) 144-84-81  
144-51-33 110-62-17 157-62-17 E-mail: info@fiml.uz  
144-95-34 111-62-17 159-62-17 Web-site: www.fiml.uz

**YOSHLAR**

6.55 Дастурнинг очилиши.  
7.00 «Сиздан угина, биздан бугина». Кинокомедия.  
8.20 «Малика - 2007».  
8.30 «Болалар давраси».  
9.00 «Якшанба нонушаси».  
9.20 «Зерда». Сериал.  
10.00 «ВАТАНПАРВАР».  
11.00 «Journal».  
11.20 «Зверест». Интеллектуал ўйин.  
12.00 Таътил тўхфаси: «Фантомас».

**SPORT**

7.30 «Хабарлар» (Ўзб. тилида)  
7.50 «Бодое утро».  
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.15 «Непутёвые заметки».  
9.35 «Пока все дома».  
10.25 «Кўнук стартлар».  
11.00 Самбо. Осиё чемпионати.  
13.00 «Ракибингиз гроссмейстр».  
13.20 «Файзли ошхона».

**TV-MARKAZ**

**Душанба 28**

07.00 «Премьера» (узб)  
07.30 Узбек наволари  
08.00 «Премьера» (рус)  
08.30 «Сайилгох»  
08.45 Мировые хиты  
09.00 Узбек наволари  
10.00 «Сунмас орзулар»  
10.50 Узбек наволари  
11.00 «Ганнибал» худ.-фильм  
12.45 Мировые хиты  
13.30 «Миссия неповтори-ма»  
14.00 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
15.45 Мировые хиты  
16.30 Узбек наволари  
17.00 «Навбат» Рашид Хо-ликов билан  
17.40 Узбек наволари  
18.00 «Премьера» (узб)  
18.30 Узбек наволари  
19.00 «Премьера» (рус)  
19.30 Сериал «ВА-БАНК» 1-серия  
20.40 Мировые хиты  
21.00 Узбек наволари  
22.00 Комедия по поне-дельникам  
«ХОДЯТ СЛУХИ» худ.фильм  
23.45 Миксер

**Сешанба 29**

07.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)  
08.10 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Ва-банк» 1-серия  
10.10 «Премьера» (узб)  
10.40 Узбек наволари  
11.00 «Ходят слухи» худ.-фильм  
12.45 Мировые хиты  
13.00 «Юлдузли пайшанба»  
13.30 Узбек наволари  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
14.10 Мировые хиты  
14.30 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
15.45 Мировые хиты  
16.15 Узбек наволари  
17.00 «Топ-20»  
17.45 Узбек наволари  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.10 Узбек наволари  
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 2-серия  
20.10 «Сайилгох»  
20.25 Узбек наволари  
21.00 «Великолепная се-мёрка»  
21.30 Узбек наволари  
22.00 «ПОСЛЕДНИЙ ОТ-ПУСК» худ.фильм  
00.00 Миксер

**Чоршанба 30**

07.00 Узбек наволари  
07.30 «Премьера» (рус)  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 «Навбат» Рашид Хо-ликов билан  
08.50 Узбек наволари  
09.00 Сериал «Ва-банк» 2-серия  
10.10 Мировые хиты  
10.30 Узбек наволари  
11.00 «Последний отпуск» худ.фильм  
13.00 Узбек наволари  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
14.10 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
15.45 Мировые хиты  
16.00 «Сайилгох»  
16.15 Мировые хиты  
17.00 Узбек наволари  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.10 Узбек наволари  
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 3-серия  
20.10 Узбек наволари  
21.00 «Миссия неповтори-ма»  
21.30 Узбек наволари  
22.00 Киноколлекция «ВЕСНА, ЛЕТО, ОСЕНЬ, ЗИ-МА, СНОВА ВЕСНА» худ.-фильм  
23.50 Миксер

**Пайшанба 31**

07.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)

08.10 «Сайилгох»  
08.25 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Ва-банк» 3-серия  
10.10 Узбек наволари  
11.00 «Весна, лето, осень, зима, снова весна» худ.-фильм  
12.50 Мировые хиты  
13.00 Узбек наволари  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
14.10 Мировые хиты  
14.30 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
15.45 Мировые хиты  
16.00 Узбек наволари  
17.00 «Великолепная се-мёрка»  
17.30 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.10 Мировые хиты  
19.00 Сериал «ВА-БАНК» 4-серия  
20.10 «Спецрепортаж»  
21.00 «Юлдузли пайшан-ба»  
21.30 «Премьера» (узб)  
22.00 «КАРИБ ДЕНГИЗИ-НИНГ КАРОКЧИЛАРИ» бадий фильм  
00.40 Миксер

**Жума 1**

07.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 «Топ-20»  
09.00 Сериал «Ва-банк» 4-серия  
10.10 Узбек наволари  
11.00 «Кариб денгизининг

карокчилари» худ.фильм  
13.40 Узбек наволари  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
14.10 Мировые хиты  
14.30 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
16.30 Мировые хиты  
17.00 Узбек наволари  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.10 Узбек наволари  
18.30 «Сайилгох»  
18.45 Узбек наволари  
19.00 «Кулинар фантазияла-ри»  
19.30 Узбек наволари  
20.00 «Сунмас орзулар»  
20.50 Узбек наволари  
21.00 «Кинокурьер»  
21.30 «Премьера» (рус)  
22.00 «ДЕЖА ВЮ» худ.-фильм  
00.15 Миксер

**Шанба 2**

07.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (узб)  
08.10 Узбек наволари  
09.00 Мировые хиты  
09.30 «Кинокурьер»  
10.00 «Сайилгох»  
10.15 Узбек наволари  
11.00 «Дежа вю» худ.-фильм  
13.15 Узбек наволари  
14.00 «Премьера» (узб)  
14.30 Мировые хиты  
15.00 Теленяня  
16.20 Мировые хиты

17.10 «Спецрепортаж»  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.10 Узбек наволари  
18.30 «Аъло-Марказ»  
19.10 Концерт  
21.00 «Навбат» Рашид Холи-ков билан  
21.40 Узбек наволари  
22.00 Хинд киноси «КАЛБ ТУ-ГЕНИ»

**Якшанба 3**

07.00 Узбек наволари  
08.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 Концерт  
10.00 «Сунмас орзулар»  
10.50 Узбек наволари  
11.00 Хинд киноси «Калб ту-гени»  
14.00 Узбек наволари  
15.00 Теленяня  
16.20 Узбек наволари  
16.30 «Премьера» (рус)  
17.00 Узбек наволари  
17.30 «Юлдузли пайшанба»  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
18.10 Узбек наволари  
18.30 «Сайилгох»  
18.45 Мировые хиты  
19.00 Узбек наволари  
20.00 «Аъло-Марказ»  
20.40 Узбек наволари  
21.00 «Топ-20»  
21.45 Мировые хиты  
22.00 «ПРИЗРАЧНЫЙ ГОНЩИК» худ.фильм  
00.00 Миксер

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди

# Хуқуққўшиқ сабоқлар

Бўлимга бир йигит ҳовлиқиб кириб келди.  
— Ким хуқуқшунос? Мен фермерман. Еримни 50 йилга ижарага олганман. Бу йил унинг бир қисмини қариндошларга ижарага бермоқчиман.  
— Иккиламчи ижарага бериш мумкинми?  
— Ер — менинг мулким!  
— Йўқ-е?..  
— Ҳа-ҳа...  
Бироз бахслашиб, шошилиб чиқиб кетди.  
Шунинг учун баъзи қонун таъабларини эслатишни лозим топдик.

ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. У ёки унинг бир қисми иккиламчи ижарага берилиши таъқиқланади. «Ижара тўғрисида»ги қонунга кўра қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар ижарага фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиш учунгина берилади. Бунда фақатгина бирламчи ижара назарда тутилган. Бу

ижарага берилиши мумкин эмас. Фермер хўжалиги кредитлар олиш учун ўз мол-мулкани, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш хуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас. Ер участкасининг ўлчани ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан

билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаганлари тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хусусий мулк хуқуқи тушунчаси берилган, яъни хусусий мулк хуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқидир.

Мулк хуқуқининг вужудга келиш асослари бу меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулк яратиш; кўпайтириш; битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкни хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар. Ижарага олиш мулк хуқуқини вужудга келтирмайди. Дарвоқе, ер...  
Ер эса — Республика мулкидир.

**Довуд МАДИЕВ,**  
хуқуқшунос

## Ер кимнинг мулки?

қоида бошқа қонунларда ҳам такрорий мустаҳкамланган. Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда аниқ белгиланган: «Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек, иккиламчи

ўзгартирилиши мумкин. Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш хуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишувига асосида, фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Фермер хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш хуқуқи хўжалик аъзоларининг розилиги

**Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош АХМЕДОВ жавоб берди.**

**Савол:** менинг умумий меҳнат стажимга 27 йил бўлаяпти. Ёшим 50 да. 3 фарзандимнинг тарбияси учун ажратилган 2 йиллик декрет таътили ҳисобга қирмайдими?  
**З.ҲАМРОЕВА,**  
Қашқадарё вилояти

**Жавоб:** Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан аёлга бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун таътил берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.  
Болани парваришлаш таътиллари меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

**Савол:** ходим 1998 йилда 2-гурӯх ногиронлик нафақасига чиққан ва 1 ставкага етмаган ҳолда ишлаб келмоқда. 2008 йилда у 55 ёшда 34 йиллик педагогик стаж билан имтиёзли пенсияга чиқади.  
Имтиёзли пенсияга чиққанда унинг кейинги 10 йиллик иш стаж ҳисобидан 2-гурӯх ногиронлик нафақаси суммасига маълум фоиз сумма қўшиладими?  
**М.КАРИМОВ,**  
Бухоро вилояти

**Жавоб:** 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасида ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги ишлаган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди, дейилган. Демак, ёшга доир пенсиясидан ташқари ушбу тартиб бошқа ҳеч қандай пенсия турларига тааллуқли эмас. Бу дегани, ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги барча ишланган даврлар умумий тарзда меҳнат стажига киритилади ва ёшга доир пенсия тайинланганда, албатта ҳисобга олинади.

**Савол:** мен 1975-1978 йилларда «Пионер ва ўқувчилар уйи»да интернационал Дўстлик клуби (КИД) раҳбари бўлиб, 1,5 ставкада ишлаган эдим. Шу ишлаган давримни педагогик стажга қўйиш мумкинми?  
**С.НОРБОВЕВ,**  
Тошкент вилоят

**Жавоб:** интернационал Дўстлик клуби раҳбарлиги педагогик стажга қирмайди.

**Савол:** мен Китоб тумани халқ таълими бўлими йўлланмаси билан А. Авлоний номи раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида ўқидим. Мен командировка ҳақини кимдан ва қанча оламан?  
**С.Зайниддин,**  
Китоб туманидаги 51-мактаб директори

**Жавоб:** хизмат сафарига юбориш тартиби, сафар муддати, ходимнинг бу борадаги харажатларини қоплаш тартиби, шунингдек, сафар билан боғлиқ бошқа масалалар асосан 1993 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган «МДХ мамлакатлари доирасидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома» (№28, 497\и-1-01) билан тартибга солинади. Мазкур йўриқномага биноан ходимнинг хизмат топшириғини бажариш учун доимий иш жойидан четга, бошқа жойга иш бевуқининг фармойишига (буйруғига) кўра муайян муддатга бориши хизмат сафари деб эътироф этилади.  
Шуни эслатиш жоизки, меҳнат шартномасида шартлашилган иш бажариладиган корхона ёки унинг таркибий бўлинмаси доимий иш жойи саналади. Шу сабабли, агар корхонанинг таркибий бўлинмаси бошқа ерда жойлашган бўлса, ходимнинг бир бўлинмадан иккинчисига хизмат топшириғини бажариш учун боришига хизмат сафари тариқасида қаралади.  
Хизмат сафари иш бевуқининг буйруғи (фармойиш иши) билан расмийлаштирилади ҳамда ходимга махсус тасдиқланган шаклдаги хизмат сафари гувоҳномаси берилади.  
Ходимнинг хизмат сафарига ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда қуйидагилар тўланиши лозим: (Меҳнат кодексининг 111-моддаси) йўл кира харажатлари;  
доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан, уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар;  
ходим томонидан иш бевуқининг рухсати ёки розилиги билан қилинган харажатлар. Иш бевуқчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарига бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилди, лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

### Тезкор хабарлар

Пойтахтимизда жойлашган «Карвон Сергели авто» бозорида ўтказилган текширишда фуқаро А.Исаев давлат рўйхатидан ўтмай, савдо ва воситачилик фаолияти билан шугулланиб келаётганлиги аниқланди.

Текшириш қуни у фуқаро З.Исаевга «Пионер» автомагнитофонини карнай ва монитори билан 240 минг сўмга сотиб, чек ёки унга тенглаштирилган ҳужжат бермаганлиги маълум бўлди. А.Исаев савдо қилаётган шохобча кўздан кечирилганда эса, дўконда ҳеч қандай қирим ва маҳсулотларнинг сифат сертификати ҳамда божхона ҳужжатлари бўлмаган, хорихда ишлаб чиқарилган 5.777.000 сўмлик маҳсулотлар борлиги, ушбу маҳсулотларни муомалага киритиш натижасида 1.870.000 сўмлик назорат қилинмайдиган фойда олганлиги аниқланди.

Текшириш якунига кўра, дўконда мавжуд бўлган маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**А.КАРИМОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими бошлиғи

Департаментнинг Тошкент шаҳар Учтепа бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда фуқаро Ш.Хидиров «Чўпон ота» гузарининг ертўласида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмай, ўзбошимчалик билан электр энергисидан фойдаланган ҳолда вафли ишлаб чиқариш яширин цехини ташкил этганлиги аниқланди.

Текшириш якунига кўра, ушбу цехда мавжуд ҳеч қандай ҳужжатларсиз 4.574.000 сўмлик вафли, 780 кг. маргарин, 650 кг. манная крупа, шакар ва шакар пудраси ҳамда вафли ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўлбола ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда ушбу иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**И.НАИМОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳужжатли текшириш бўлими катта тафтишчиси

Департаментнинг Бектемир туман бўлими ходимлари томонидан «Механика мотор заводи» олдида ўтказилган тадбирда фуқаро А.Худойкулов ушбу манзилда харидор Х.Алимовга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 186 кв. м. мрамар маҳсулотларини ноқонуний равишда 1900 АҚШ долларига сотганлиги аниқланди.

Текшириш якунига кўра, А.Худойкуловга тегишли 2 млн. 375 минг сўмлик мрамар маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ш.БУРХОНХОДЖАЕВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси СВОЖОБЭЗ бўлими бошлиғи ўринбосари

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси Сергели туман бўлими ходимлари томонидан Чоштепа кўчасида жойлашган «Компьютер хизматлари» шохобчасида ўтказилган текширишда фуқаро Т. Ишпўлатов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмай, VCD, CDR, DVD дискларини ёзиш ва сотиш билан шугулланиб келганлиги аниқланди. Жумладан, у харидор Ю.Жумаевга 4 дона компакт дискларни сотиб, чек ёки унга тенглаштирилган бирорбир ҳужжат тақдим этмади. Текшириш якунига кўра яширин равишда ташкил этилган мазкур шохобчада мавжуд бўлган ҳеч қандай ҳужжатсиз 3 миллион 280 минг сўмлик 8 дона компьютер тўплами, компакт дискларни ёзишга мўлжалланган жиҳозлар вақтинчалик олиб қўйилди. Ҳозирда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ш. ЮСУПОВ,**  
СВОЖЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими суриштирувчиси

**(Боши ўтган сонларда)**

«А, ари чакдими тўсатдан?» — дея кулди у.

— Йўқ, ўзим... — дея мингирлади Улугбек ака.

Машинадан тушаётганларни кўздан кечираркан, қора «Нексия»да келган тўрт нафар олифта кийинган йигитлар қўшнилари салом беришди-ю, фотиҳа жойига шошдилар. Улардан бири — баланд бўйли, қотма йигит негадир Улугбек акага яна бир карра бошдан-оёқ разм солди-да, шерикларига эргашди.

— Фаргона шаҳридан келишди бу йигитлар, — деди Сайфуддин ака. — Анави новчасини танийман. Шаҳардаги номдор савдогар Бекмирзанинг жияни, Комилжон деган йигит... Тоғасининг Петербургдаги савдо агенти эди. Ўтган йили Бекмирза ака қутилмаганда йўқолиб қолди. Комилжон Бекмирзанинг ўғли ва қизи билан келишмади чоғи, ҳозир ўзи мустақил ишлаяпти.

— Нима иш қилади? — деди Улугбек ака.

— Савдогарда! Шаҳарда бириккита дўкони бўлса керак...

— Бекмирза ака... Т... топилмадими?

— Э, ҳар хил гап кўп... Биров, рақобатчилари йўқ қилган, дейди... Биров хотини ўлдиртириб юборган, деган ваҳимани таркатади...

— Хотини? Нега энди?!

— Бекмирза илгари институтда ўқитувчилик ҳам қилган, кўшни. Салоҳиятли одам дейишарди. Қутилмаганда, ўша совет даврида, институтни ташлаб ўзини ота касби — нонвойчиликка уриб юборади. Оилавий шароити шунга мажбур қилган экан. Э, кейин эса... Кейин ўша ўзимиз билган қайта қуриш замонлари бошланди... У ўша пайтлардаёқ, яъни сиз билан биз ҳали коммунизм чўпчагига ишониб юрган кезлардаёқ катта савдога ўтади. Иши юришган одам эди, дейишарди... Хуллас, ўн беш-йигирма йил ичида у шаҳардаги энг бой одамлардан бирига айланади... Шундай ўзига пишиқ, ақлли, ишбилармон одам икки-уч йил аввал бир жононга кўнгул беради. Уйланади. Албатта, шундан кейин рўзгор бесаранжом, одатий жанжаллар бошланади. Бекмирза оиласидан воз кечади, ўша аёл билан бирга яшай бошлайди... Сўнг ўзаро жанжаллар... Орада Бекмирза Россияга ҳам кетиб юборади...

— Эшитганман, — дея унинг ҳикоясини бўлди Улугбек ака. — Лекин, хотини ҳақида... У аёл бундай иш қилиши жуда... Жуда гумон!

— Ҳа, энди шундай гап ҳам чиққанди... Рашк ёмон нарса, Улугбек ака, у одамни ҳар қўйга солиши ва ҳатто энг ювощи инсоннинг ҳам қўлига қурол тутқизиши мумкин...

— Билмадим, билмадим...

Солиҳа ийманиб, аллақандай узрнамо оҳангда сўз бошлаши билан Бекмирзанинг руҳи тушиб кетди. Солиҳа келолмайди! Балки... Келишни ҳам хохламайди! Ҳа, тўғри, кекса аяси бор... Ўзига яраша мажбуриятлари мавжуд... Одамгарчилик масаласи бўйи кўрсатяпти бу ерда... Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар нима дейди... Кекса кампирни ҳайхотдай уйга ёлғиз ташлаб кетиш инсофдан эмас... Синглисининг болалари кўп, куёв эса осмони фалақда — у ҳеч қачон қайнонанинг уйида яшамайди, фарзандларига ҳам бегона хонадон оstonасини бос-тирмайди! Ҳа, ҳа, ҳаммаси тўғри... Лекин... Худди Бекмирзанинг онгидан ўтган фикрни уққандай Солиҳа бу томонини

ҳам текислади:

— Бекмирза ака... Агар ўн саккиз яшар қиз бўлганимда, ортингиздан дунёнинг нариги чеккасига кетишга ҳам рози эдим! Аммо тушунинг энди... Ҳозирги аҳволим, шароитим бошқа. Сизга интилиб, бирга бўлишни ўлар даражада хохласам-да, олдимда шундай мажбуриятлар тўсиғи борки, уларни асло ағдариб ўтиб бўлмайди! Ўғлим тақдирини, онам қисмати, уй-жой, неча йиллик рўзгор масъулияти...

Бекмирза Солиҳа қачон хайрлашиб, қачон гўшакни жойига қўйганини ҳам сезмади. Эҳ, қанчалик орзу қилган эди Солиҳа билан бир хонада яшашни, рўзгор қилишни, бола тарбиялашни! Ҳа, ҳаёт шафқатсиз, унинг шундай қонун-қоидалари борки, уларга шак келтириш жамият қаршисида жисмоний эмас, балки, руҳан ўлиш, йўқолиш демакдир! Қисмат деганлари шу экан-а! Ҳа, «поезд кетди» дея бе-

дея айюҳаннос солди Бекмирза жиян олиб келган авиачиптани унинг юзига ураркан...

Моҳигул ҳам, ўғли билан қизи ҳам ота тушган кўйдан хабар топишди-ю, лекин қўлларини совуқ сувга-да уришмади. Солиҳанинг бетўхтов кўнғироқлари жавобсиз қолаверди. Бекмирза бир куни жони-жаҳди билан жиринглаб, фарёд солаётган телефонни муздай Нева сувига улоқтирди-ю, қайтиб қўлига телефон ушламади. Комилжон эса Солиҳанинг телефонини билмасди...

Орадан бир йил ўтди. Комилжон уйини, бола-чақасини жуда соғинган, юртга бориб келиши зарур эди. Аммо тоғани бу аҳволда ташлаб кетиб бўлмасди. Ниҳоят икки-уч нафар ишончли юртдошларни топиб, тоғани вақтинча уларга топширди-ю, Ватанга учди. Бориб Моҳигулни, Тоҳир билан Севарани бир жойга тўплади, ҳамма гапни тўкиб солди.

кириб кетди.

— Жойлашавер... мен... Ҳозир... — дея мингирлади у жиянининг юзига ҳам қарамай. Бекмирза ваннада, илиқ сув қучоғида анча муддат ётди... Бош оғриғи хиёл пасайди... Жиянининг қайтиши шарафига соқолини олди. Сўнг ювиниб-тараниб меҳмонхонага чиқди. Комилжон бир зумда Фарғонадан олиб келган мева-чевалар, патир нонлардан чиройли дастурхон тузабди, уёқ-буёқларни йиғиштириб, уйни тартибга солибди. Дастурхон ўртасидаги биллур гулдонда қип-қизил Фарғона атиргуллари нафис бўй таратиб турарди...

— Ў... Фарғонани кўчириб келибсан-ку, жиян, — дея Бекмирза Комилжон томонга бир-икки қадам ташлади-ю... боши айланиб кетди...

Комилжоннинг ёнида кейинги йиллари Фарғонада урфдан чиқиб бораётган мато — ловуллаб ёнаётган хонатлас кўйлак кий-

деган фикрда эканлар. Кўча-кўйда кўришганлар «Яхши бориб келдингизми?» қабилида ҳол-аҳвол сўраб қўяқолишди. Холбуки, бечора савдогар назарида у ўз она шаҳридан кетганига... ўн йиллар бўлган, ҳамма нарса ўзгариб кетгандек туюлганди. Йўқ, ҳаммаси ўша-ўша... Шаҳар марказидаги айрим биноларнинг бузилиб, ўрнига янгилари қурилаётганлигини ҳисобга олмаса, бир йилда унчалик кўзга ташланадиган ўзгаришлар содир бўлмабди. У Россиядан қайтган, тўғри «виссолхона»га борган эди, эшикни бегона одам очди. «Хайр-хўш»дан сўнг маълум бўлишича, у квартирани Моҳигулдан сотиб олибди. Демак, қандайдир йўллар билан Моҳи ёки Севара яширин квартирадан хабар топишган ва Бекмирза келавермагач, квартирани вақтинча туриш учун шу одамга беришган. Шаҳардаги биринчи қадамлариданоқ зарбага учраган Бекмирза ноилоҳ ўз уйига кириб борди.

Моҳигул тўсатдан оstonада пайдо бўлган эрини кўрди-ю, юраги тўхтаб қолгандай сизди ўзини. Бир йил ичида анча озибди Бекмирза, кўзлари ичига тортиб кетибди, ранги касалванд одамникига ўхшайди... Бирдан аёлнинг кўзларига ёш қалқди. Эрининг қаршисига юғриб бориб, қўлидан жомадонини оларкан:

— Келдингизми, дадаси? — дея олди, холос.

Бекмирза:

— Ҳа, етиб келдим, уйлар тинчми? — деди-ю, иккинчи қаватга кўтарилди. Хонаси ўзи кетган пайтда қандай бўлса ўшандай турибди. Саранжом-сарашта... У ечинмаёқ ўриндигига ағанади, жуда чарчаган экан, кўп ўтмай уйку элитди...

Кечкурун Тоҳир келини ва болалари билан отани зиёрат қилгани кирди, Севара афтидан онасининг зўри билан аранг отаси хузурига чиқди шекилли, икки оғиз ҳол сўраган бўлиб, дарров хонани тарк этди. Моҳигул шу ерга стол тузади, оватга Севаранинг икки боласи чиқди-ю, лекин ўзи кўринмади. Худди азадан кейинги оватланишдай совуқликна ўтираш бўлди. Бекмирза иш ҳақида ҳам, сотилган ёки ижарага қўйилган уй ҳақида ҳам оғиз очмади. Петербург таассуротлари ҳақида на болалари сўрашди, на ўзи гап бошлади... Ҳаммаси беш карра бешдай аён эди, ахир...

Тун ярмида кўзини телевизордан аранг ажратиб, ўрнига қирар экан Бекмирза ўзини аллақандай ноқулай сизди, лекин...

«Ўзинг қалайсан, Моҳи?» дея тил учиди хушомад қилиб, хотинини қучоқлашдан ўзга чораси йўқ эди бечоранинг...

Эртасига эрталаб қизи билан очикчасига гаплашиб олмақчи бўлди. Майли, у ҳам кўнглидаги бор ғуборини тўксин, айтадиганини айтсин...

Бекмирзада ҳам ўзига яраша дард бор, у ҳам кўксиданини кўкка совуради, токи бу қиз кўрсин, тушунсин... Лекин эрталаб қизи устида қуймаланаётган Севаранинг аҳволига қараб, бўлажак очик суҳбатни яна ортага сурди. Орадан икки-уч кун ўтди. Кейин юрагини аллақандай тараддуд, шубҳа ўртай бошлади. Хўш, нима дейди қизига? Шу аёлни севиб қолдим, дейдими?! Дўппини бошдан олиб, мундоқ чуқур ўйлаб қаралса, бундан бошқа нима ҳам дея олади?! Ёшимга ярашадими шу гап!

(Давоми бор)



## Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

### (Қисса)

ган... Солиҳа турарди!

— С... Солиҳа... — дея негадир пичирлади Бекмирза. Айни пайтда оёқларидан дармон кетиб, шалвираб йиқилиб тушишига бир баҳя қолди, — Солиҳа...

Солиҳа дадил юриб келиб, унинг қўлларидан ушлади.

— Бекмирза ака... Бормисиз?

Бекмирзанинг кўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди... У бемажол хона кетидаги диванга ўтириб қолди...

— Солиҳа, келдингизми?... Келдингизми-а? — Иккаласининг холатини кўриб, Комилжоннинг ҳам кўзларига ёш келди ва у шошиб ошхонага кириб кетди.

— Бекмирза ака...

— Солиҳа...

Иккаласи ҳам ҳаяжон тўла сукут оғушига чўкишган, аммо диллар суҳбат қураб, Бекмирза билан Солиҳа узоқ қутилган висолнинг асал дақиқалари хузурини тотишарди...

Эртасига Бекмирза Солиҳани Петербург академик театрига — Кирилл Лавров спектаклига олиб борди. Эрмитажни бир-икки кун айланишди. Машҳур Петербург балетини томоша қилишди. Петербург улкан тарихий шаҳар — уни бир ой айланиб ҳам адо қилиб бўлмайди. Ўн кундан сўнг Солиҳанинг таътили ҳам поёнига етиб қолди.

— Наҳот кетасиз, Солиҳа?

— Иложим йўқ, Бекмирза ака. Сиз билан ўтган ҳар бир дақиқа мен учун, худо кечирсин, арши-аёлода ўтган дамлардай... Аммо... Сиз... ўзингиз-чи? Қачон қайтасиз?

— Сиз бўлмасангиз, Санкт-Петербургнинг мен учун саҳродан фарқи йўқ... Қайтаман энди...

— Лекин... Илтимос, бирга қайтмайлик... Яна тагин...

Анчагина талаш-тортишувдан кейин Бекмирза Солиҳадан бир-икки ҳафта кейин қайтадиган бўлди...

Бекмирзанинг деярли барча таниш-билишлари «у савдо ишлари билан Россияда юрибди»,

жиз айтмайди руслар, Бекмирза ҳам поезддан қолиб кетиб, перронда уёқдан буёққа сарсон чопайётган йўловчининг ўзи... Поезд эса тобора нари ва нари кетяпти. У қайтмайди, ҳеч қачон қайтмаган ҳам!

Шу куни у ўзини унутганча ароқ ичди. Эртаси эрта билан уйғониб биринчи қилган иши... Столдаги бутилкага қўл чўзиш бўлди! Тушга яқин гандирақлаганича кўчага отланди. Нева соҳилидаги арзон ошхоналардан бирида яна тўйгунча, тошгунча ароқ симирди. Атрофида кўп ўтмай аллақандай қаланғи-қасанғи одамлар пайдо бўлди. Улар Бекмирзани юпатишди, дардига шерик бўлишди. «О... Любовь! Любовь! Кто от неё не пострадал! Об этом у нас спроси, друг! У нас тоже такое горе... Безисходное...». «Муҳаббат дардида куйган» бу кимсалар то Комилжон тоғасини ахтариб, топиб келгунча Бекмирзани сўришди...

Эрталаб ўрнидан турган Бекмирза яна заррача ҳам ўйланиб ўтирмай майу шароб ҳовузига шўнғиди... Бир-икки ой ичида у озиб-тўзиди, соқоллари ўсиб кетди. Петербург кўчаларида тенгайрайдиган юзлаб дайди, ароқ-хўрлардан бири қиёфасига кирди. Орада бир-икки марта милиция қўлига ҳам тушди. Анчагина оврагарчиликлардан кейин Комилжон катта пул сарфлаб уни ҳибсдан олиб чиқди. Аммо тоғага бу ҳам сабоқ бўлмади. Жиянининг яхшилик билан, йўлини топиб тоғани юртига қайтариб юборишга уриниши эса самарасиз кетди.

— М... менга оввора б-бўлма, Комил! Юбора олмайсан мени ўшша Ўзбекистонга! Ф... фақат тобутда кетаман мен у ёққа! —

— Бир йилдан буён ит азобидаман. Кўнглим доим алағда... «тоғам қаерда қолди экан, нима бўлди экан?» дея жоним ҳамшиша ҳалак. Уни олиб келиш керак.

— Дадамни олиб келадиган ўз одами бор, Комил! Бизга тушиб қолибдими у кишини чақириш! Бор, ўшанга, ҳаммамиздан азизига арзингни айт! — дея қичқирди Севара. Моҳигул билан Тоҳир индашмади.

Сўраб-суриштириб Комил ниҳоят Солиҳани топиб борди.

— Солиҳа опа сизми? Салом. Мен Комилжон деган йигитман. Бир ҳафта бўлди, Петербургдан қайтдим, — телефонда шу гапларни эшитди-ю, Солиҳанинг боши айланиб кетди...

— Бекмирза ака омонми? — дея олди у бечора.

— Ҳа, яхшилар... Агар ташқарига чиқсангиз, жиндай гаплашардик...

Солиҳа ҳеч кимга индамай ўрнидан сапчиб турди-да, идорадан ёш қизлардай чошиб чиқди...

Эшик кўнғирогининг шиддат билан жиринглаши қотиб ётган Бекмирзанинг қулоқларига анчадан кейин пашша фингиллашдай етиб борди. У аввал парво қилмай ётаверди, сўнг худди пашша ҳайдагандай қўлларини кўрпадан чиқариб, уёқ-буёққа силкиди. Эшикни бу орада тарақлата ҳам бошлашди. Охири Бекмирза аранг ўрнидан кўзғолди, боши янчилгандай мижғиғлаб оғрир эди...

— Ҳ... Ҳозир... Ким у? — дея хаста, бемажол овоз берди у халатини бир амаллаб елкасига ташлар экан.

— Мен... Комилман, тоға... Бекмирза аранг юриб бориб эшикни очди-ю, ўша ондаёқ терс бурилиб ювиниш хонасига

## XX аср фалокатлари

**1976 йил июлида кичик итальян шахарчаси Севесо маҳаллий кимё заводида рўй берган даҳшатли фалокат қурбони бўлди. Атмосферага заҳарли газдан иборат ажал келтирувчи булут чиқиб кетди. Унинг ҳалокатли оқибатлари шахарликларнинг кўплаб авлоди ҳаётига таъсир қўрса-тади.**

**Ғожеадан сўнг кўп йиллар ўтди. Севесо кўлан-ка шахар эди. Одамлар тарқ этгандан сўнг худди қандайдир фантастик фильмга декорациядек кўринар эди. Берлин девори сингари, уй, дўкон, ресторан, мактабларга экологик фалокат ҳақидаги лавҳалар илиб қўйилган... Лавҳаларда беш тилда «Заҳарланган ҳудуд — кириш мумкин эмас» деб ёзиб қўйилган.**

Қачондир ҳаёти қайнаган чиройли шахар ўлик зонага айланди. Севисони Италиянинг Херосимаси деб атай бошлашди. Ғожеа 1976 йилнинг 10 июн куни рўй берди. Швейцарияга тегишли кимё заводидаги портлаш атмосферага инсониятга маълум энг даҳшатли заҳарлардан бири — диоксиндан иборат булутни чиқариб юборди. Булут саноатлашган шахар атрофи устида туриб қолди, сўнгра уй ва боғларга заҳар ёғди. Минглаб кишиларда кўнгил айниш хуружи бошланди, кўриш қобилияти сусайиб, нарсаларни чайқалиб, ғирашира кўришга олиб келган кўз касаллиги кучайди. Кейинроқ рўй берган Чернобил ғожеаси сингари, инсон хатоси ҳеч қандай айбисиз Севесо аҳолиси бошига жаҳоний миқёсдаги кулфат келтирди. Диоксин — дезодорант ва совун тайёрлашда фойдаланиладиган трихлорфенол ишлаб чиқаришда ишлатиладиган моддadir. Агар сувда бор-йўғи тўрт унция (90 миллиграммга яқин) шундай модда ажратиб олинса, бу 8 миллион кишини ўлдириш учун етарли бўлади. Уша ёзнинг қора кунда 100 миллион кишини ўлдиришга қодир иблис эркинликка чиққан эди. Тупроқ зарарланишининг барча оқибатларини баҳолаш, у келажак авлодларга яна қанча кулфат келтиришини аниқлаш учун кўп йиллар керак.

## Илк аломатлар

Фалокатгача Севесонинг аҳолиси ўн етти минг нафар эди. По дарёси водийсидаги ям-яшил адирлар этагида, кўмкўк дала ва ўрмонлар ўртасидаги манзарали шахарча кўп сонли сайёҳларни ўзига жалб қилар эди.

Кўплаб маҳаллий аҳоли ишлайдиган кимё заводида механик Виро Романи тушлик қилиб бўлди. Шанба кун бўлиб, завод деярли ишламаётганди. Юз эллик киши уйда дам олар, ўн нафар таъмирчилар эса асбобуқсуналарни профилактик кўриқдан ўтказишарди.

Дунёдаги энг катта фармацевтик компаниялардан бири — Хоффман-ля-Рошнинг ёрдамчи хўжалиги шу ерда жойлашган эди. Шу кун заводнинг кимёвий реактори ўчирилганди. Аммо Виро Романи ва унинг ошхонада бир чашкадан кофе ичиб ўтирган ўртоқлари кўққисдан ваҳимали, қулоқни қоматга келтирувчи гумбурлаган овозни эшитишди. Ишчилар ташқарига югуриб чиқишди ва аппаратнинг юқори қисмига ўрнатилган сақлагич клапанлар орқали улкан босимда ажал келтирувчи диоксин гази чиқаётганини кўришди.

Бир неча дақиқа давомида осмондан тинмай худди қор каби химикат бўлаклари ёғилди, ҳаво эса заҳарли хлорин ҳиди билан тўлди. Ишчилар аварияни бартараф қилиш кранини очишди ҳамда реакторга совуқ сув ша-

риллаб қуйилди. Аммо бу пайтда шаклланиб улгурган булут қишлоқ маҳаллалари устидан секин сузиб, ўзининг ёвуз саёҳатига йўл олган эди. Кўчадаги қаҳвахона айвонларида ўтирган ёки уйда тушликка тайёрланаётган одам-

## Севесо: заҳарли булут

ларни бирдан йўтал хуружи тутди. Кўзларидан ёш оқар эди. Кейинчалик, булут кетганидан сўнг ҳаммаси бош оғриги ва кўнгил айнишидан шикоят қила бошлашди. Ҳавода куюқ ва заҳарли ҳид қолган эди.

## Бу нега юз берган?

Завод маъмурияти вакиллари портлашдан сўнг бирданига авария сабабини аниқлашга киришишди. Биринчи хулоса: яқин ўтган кунларда кимёвий реакция ҳарорати бирмунча ошган, совутиш режими бўйича кўрсатмага эса риоя қилинмаган.

Хавфсизлик муаммосини ҳал қилиш учун Севесо заводидаги сингари замонавий сақлагич клапанлардан фойдаланадиган аксарият компаниялар уларни махсус улкан заҳира идишларига алмаштирадидилар. Бундай махсус идишлар авария пайтида ажал келтирувчи заҳарни ўзига олиб, унинг атмосферага чиқишига йўл қўймайди. Аммо Севесода бундай махсус заҳира идишлари йўқ эди, сақлагич клапанлар эса аҳвол танг бўлган вазиятда панд берди. Бунинг ўстига улар томга тортилган трубага ўрнатилган эди. Барчасининг оқибати ўлароқ, газ сирқиб чиқиб кетди.


## Махфий ахборот

Ҳодисанинг ғожеали оқибатлари уч-тўрт кун ўтибоқ намоён бўла бошлади. Чоршанба кун Севесо амбулаторияси касаллар билан тўлди. Уларнинг ичида тошма ва йирингли ярадан азоб-

чекаётган кўплаб болалар бор эди. Улар ҳолсизликдан, елкаси ва бошининг зирқираб оғришидан шикоят қилишарди.

Мижозлар докторларга ҳовли ва боғларидаги ҳайвон ва қушлар тўсатдан ўла бошлагани ҳақида айтиб беришди. Уйдан кўчага чиққан ит ва мушуклар шу заҳоти қулаб, жони чиқар эди. Помидор плантациялари ва маккажўхори майдонлари ёниб кетгандай, ўсимликлар сўлиб, эгилиб қолган эди. Яйловларда зарарланган чорва моллари қулоқ ва кўзларидан суюқлик оқишидан азобланарди. Минглаб товуклар қирилиб, ёз жазирамасида ириб-сасиб кетди.

Завод эгаларидан ҳеч қандай ахборот ололмаган врачлар фақат тахмин қилишлари мумкин эди, холос. Қутилмаган фалокат юз берганига ишониш қийин эди. Ҳеч ким кучли портлаш овозини эшитмаган, ёнғин бўлганини кўрмаган. Қисқаси, хавотирла-



борасида диоксиндан миллион марта кучсизроқдир.

## Журналист суриштируви

Асил касби кимёгар бўлган миланлик репортёр Бруно Амбрози заводдаги авария натижасида

кетди. Олти квадрат миллик ҳудуд тиканли сим билан ўраб олинди. Шундан сўнг у ерда қолган ҳайвонларни йўқ қилиш учун ҳимоя комбинезонлари кийган одамлар зонага киришди. Диоксиндан заҳарланган ўн мингта жониворларга қўшимча равишда яна эллик мингтадан ортиғи қириб ташланди.

## Кўнгилларни тарқ этмайди хавотир

Илгарилари диоксиндан заҳарланган ишчиларни даволашга тўғри келган дерматолог Уолкер ғожеанинг дастлабки оқибатлари йигирма кунлардан сўнг юзага чиқишини айтганидан кейин одамлар хавотир ва иккиланиш гирдобига тушиб қолдилар.

Касалланган одамлар устида ўтказилган минглаб тадқиқотлар заҳарланишининг юқори, ўрта ва паст даражасини аниқлаштириб олиш имконини берди. Италия ҳукумати майиб-мажруҳ ва ногирон гўдаклар туғилишининг олдини олиш учун ифлосланган ҳудудда ҳомилани аборт қилдиришга қўйилган таъқиқни бекор қилди. Икки йил мобайнида минг тонна зарарланган тупроқ ҳалокат зонасидан олиб чиқилиб, бетон ўраларга кўмиб ташланди, минг тонна ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг етмиш минг тонна жасадалари ёқиб юборилди.

Қочқинларни вақтинчалик манзилгоҳларга жойлаштиришди, кўрган моддий зарарларини қоплашди ва улар зонада қолдирган уй-жойга тенг турар-жой ажратиб беришни ваъда қилишди.

Кўчирилган 736 та оиланинг аксарияти охир-оқибат ўз уйларига қайтишди, аммо 256 кишига диоксин концентрацияси даражаси юқори бўлган «А» зонага қадам қўйишни бутунлай таъқиқлаб қўйдилар.

Уч йилдан сўнг Италия парламенти ҳалокат сабабларини ўрганиш натижаларини эълон қилди. Маърузада айтилишича, хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан завод трихлорфенол ишлаб чиқаришга тайёр бўлмаган, компания вакиллари газ чиқиб кетганидан кейин йигирма етти соат мобайнида бу ҳақда бировга чурқ этмай, ҳатто муниципал органларни ҳам хабардор қилишни лозим топмаган. Айнан шу боис одамларни ўз вақтида кўчириш чоралари кўрилмаган.

Ётказилган зарар учун товон пули сифатида компания жабрланувчиларга 10 миллион доллардан кўпроқ пул тўлади.

Ажабланарлиси шундаки, ҳалокат содир бўлганидан кейин 30 йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам бирон киши унинг асоратидан вафот этгани йўқ. Бир неча бола нуқсон билан туғилди, лекин уларнинг диоксин қурбони бўлган-бўлмаганлиги аниқланмаган. Заҳардан зарарланган 187 нафар боладан 2 нафарининггина ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмади.

Насиба ТОЖИЕВА тайёрлади



нишга сабаб бўладиган ҳеч нима содир бўлмаганди гўё. Аксиға бўлса шу заҳоти радио ёки телевидениеда эълон қилишардику. Ҳеч нарсадан хабари йўқ жамоатчилик индамагани боис компания раҳбарлари ҳам оғзига талқон солиб олган эдилар.

Жума кунига келиб, икки яшар гўдак жуда кўп қавариқ ва йирингли яралар билан шифохонага ётқизилгачина Севесо ва қўшни шахарчалик бўлмиш шифокорлар завод вакиллари баъзи саволларга жавоб беришга мажбурлашди.

Компания эгалари уларнинг илтимосига кўра швейцариялик олимлар бу ердаги тупроқ намуналарини тадқиқ қилишгани ва маҳаллий озиқ-овқатларни истеъмол қилишни таъқиқлаш, атрофига оғохлантирувчи лавҳалар ўрнатиш тақлифини билдиришганини истар-истамас маълум қилишди.

Эртаси кун яна 18 нафар бола касалхонага ётқизилгач, Севесо аҳли ваҳимага тушиб қолди.

Энди ўлик қушлар осмондан дўлдай ёғиларди. Жониворлар заҳарланишининг ҳалокатли дозасини одамларга қараганда анча тез олаётган эди, чунки улар ўт, ер, ёмғир сувини ичар, умуман, диоксиннинг манбасига жуда яқин эдилар. Врачлар эса компания маълумотига таяниб мижозларни трихлорфенолдан заҳарланишдан даволашар эди. Маълумки, трихлорфенол заҳарлилик

атмосфераги диоксин чиқиб кетганлигини аниқлади. Милан газетаси бу ҳақда шундай ёзган эди: «Бу инсониятга маълум ўта кучли заҳарлардан биридир. Маргимуш ва стрихнин унинг олдида ҳеч нима бўлмай қолади».

Диоксин жигар ва буйракларни зарарлайди, шунингдек, у хромосомаларнинг кимёвий таркибини ҳам ўзгартириб юборади, бу эса ракка, чақалоқларнинг нуқсонли туғилишига олиб келади».

Амбрози расмий ахборотнинг ёлғонлигини фош этиб ташлади. Швейцариялик олимлар ҳам унинг билганларини тасдиқлади. Кўп миқдордаги диоксин атмосферага чиқиб кетиб, тупроққа сингиб, ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқарганди.

## Фавқулодда ҳолат

Авария маркази бошлангич мактабга жойлаштирилиб, барча маҳаллий врачлар, ҳамшира ва санитаркалар унга жалб қилинганди. Ҳалокат бошланганидан саккиз кун ўтгач, Италия ҳукумати фавқулодда ҳолат эълон қилди. Ломбардия провинцияси, соғлиқни сақлаш вазири Викториа Риволта заҳарли булутнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида маълумотларни улкан харитада таққослашни бошлади.

24 июл — шанба кун «А» зонасидан аҳолини тўлиқ кўчириш бошланди. Риволта харитасига мувофиқ, ушбу туман аҳолиси касалликлардан энг кўп жабр чеккан, чорва молларининг энг кўп зарарланиши ҳам шу ерда кузатилган эди.

Икки юзта оила полиция кардонини ҳамда карабинерлар заставаси жойлаштирилган зонадан чиқиб




## Дунё мамлакатлари бўйлаб

## Умумий маълумотлар

Расмий номи: **Непал Қироллиги.**  
 Ер майдони: **147.2 минг км.кв.**  
 Аҳолиси: **24 миллион киши.**  
 Пойтахти: **Катманду.**  
 Расмий тили: **непали.**  
 Пул бирлиги: **Непал рупияси.**  
 Миллий байрам: **18 феврал (Конституция куни).**




Непал Қироллиги герби



Ҳимолай тоғидаги Жомолунгма чўққиси

## Сирли ва кўринмас ўлка



Непал давлат байроғи дунёнинг бошқа мамлакатлари байроқларидан шакл жиҳатдан, ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Худди шу ном билан аталадиган Непал Қироллиги Осиё қитъаси жанубида, Ҳимолай тоғ тизмаларининг марказида, Ҳиндистон ва Хитой чегараларида жойлашган. Ҳали-ҳануз Непални «етти қаср ортидаги мамлакат», «Йети — яъни афсонавий қор одам ватани» каби рамзий номлар билан атаб келишади.

Мамлакат табиати жуда ғаройиб. Жанубий қисмидаги қисқа дарё бўйи пасттекисликлар — Тераини ҳисобга олмаганда, деярли бутун мамлакат худуди баланд тоғ тизмаларидан иборат. Непалнинг шимоли ёки ички Ҳимолай зонаси баландлиги ўртача 3000-4000 метргача бўлган тизмалардан иборат бўлса, ғарбий Катта Ҳимолай минтақасида ер юзидаги энг баланд нуқта — ба-

ландлиги 8848 метрга тенг Жомолунгма (Эверест) чўққиси (маъноси — она тоғ) мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда баландлиги саккиз минг метрдан ортиқ бўлган саккизта чўққи бор. 5200 метрдан юқорида эса ҳаёт нишонлари деярли учрамайди. Аксинча, тоғлар доимий музликлар билан қопланган. Тизмалар оралиғидаги аҳоли зич жойлашган водийлар ажойиб кўриниш ҳосил қилган.

Мамлакат фойдали қазилмаларга унчалик бой эмас. Мавжуд конлардан ноқулай табиий шароит туфайли фойдаланиш анча мушкул. Непал иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин эгаллайди. Аҳоли асосан шоли ва бошқа донли экинлар, шакарқамиш, жут етиштириш билан шуғулланади. Мамлакат ички ялпи маҳсулоти ва экспортининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигидан келади. Фойдаланиладиган ерларнинг катта қисми йирик зодагонларга тегишли. Саноат унчалик тараққий этмаган.


## ТУРФА ТИЛ ВА МИЛЛАТЛАР

Кичикроқ мамлакат бўлишига қарамай, Непалда 58 хил тил ва шева мавжуд. Шунингдек, аҳоли 14 та тилдан ўзаро ёзишмаларда фойдаланади. Парбатия ёки жаслар малакат аҳолисининг 50 фоизини ташкил қилади. Улар давлат тили — непалида сўзлашадилар. Непали тили бир неча этносар аралашмасидан вужудга келган ва ундан мамлакатнинг ғарбий вилоятларида яшовчилар кўпроқ фойдаланади. Ҳиндистон билан чегарадош Тераи водийсида асосан келиб чиқиши Ҳиндистонлик бўлган миллатлар истиқомат қилади. Улар — майтхиллар, бхожпурлар, аватхлар, бенгаллар ва бошқа миллатлардир. Непалда деярли барча халқлар тили Ҳинд-орий тиллар гуруҳига мансуб. Марказий ва Шарқий Непалда эса тибет-бирма тиллар гуруҳида сўзлашувчи халқлар жойлашган. Бу гуруҳга таманг, невар, гурунг, магар, сунвар, тхакали, рай, лимбу каби халқлар мансуб. Жуда баланд тоғ тизмаларида тибет тилининг маҳаллий шеваларида сўзлашувчи бхотия, шерпа каби кам сонли элатлар истиқомат қилади. Бир сўз билан айтганда, Непал кўпмиллатли мамлакатдир. Бу ерда европоид ирқиға ҳам, монголоид ирқиға ҳам мансуб халқларни учратиш мумкин.

Ҳозиргача аҳоли ўртасида турли табақалар — касталар мавжуд. Браҳманлар жамиятда катта обрў-эътиборга эга. Катманду водийсида бир неча минг йиллик анъанавий урф-одатлар ва миллий ҳунарлар сақланиб қолган. Худди Ҳиндистондаги каби Непалда ҳам ҳар хил диний байрамлар, мисол учун, ранглар байрами — Холи ўтказилади. Уларда баъзан «тирик аёл-маъбуда» Кумари Деви ҳам иштирок этади.

Непал аҳолисининг атиги 10 фоизи шаҳарларда жойлашган. Шунингдек, саводхонлик даражаси ҳам анча паст — 40 фоиз. Лекин мамлакатда туғилиш даражаси жуда юқори. Ҳар йили непалликлар тахминан 500 минг кишига кўпаяди. Ўртача умр кўриш ёши эса дунё кўрсаткичидан анча паст, яъни 54-55 ёш.

Мамлакатда расмий дин — индуизм. Непал қироли Вишну худосининг тирик тимсоли деб қадрланади. Жуда кам сонли аҳоли буддизмга итоат қилади. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг нисбати: 86 фоиз индуизм, 8 фоиз буддизм. Қолганлари эса Ислон, Христиан ва маҳаллий динларга мансуб.



Катманду марказидаги Дурбар майдони

## КАТМАНДУ — ҲИМОЛАЙ МАРКАЗИ

Дарҳақиқат, Непал пойтахти Катманду шаҳри жойлашган водий юксак тоғлар оралиғидан, таъбир жоиз бўлса, ўрин олган. Қадимий бу ўлка мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази ҳам ҳисобланади. Катмандуга кўшни бўлган Патан, Бхактапур шаҳарлари биргаликда ягона агломерацияни ташкил этади. 1769 йилдан бошлаб унга пойтахт мақоми берилган. Шаҳарда қирол саройи, парламент ва ҳукумат қароргоҳи, Қироллик Фанлар академияси, университет, машҳур нумизматика (танга пуллар) музейи каби диққатга сазовор жойлар мавжуд. Юқоридаги ҳар учала шаҳарда ҳам қадимий, ажойиб архитектура намуналари — будда ҳайкаллари, ёғоч ва тошдан ишланган устунлар, монастырлар, сайёҳларни ўзига жалб қилади. Шунингдек, Катмандуда XVI-XVII асрларга оид ҳашаматли қироллар саройи мавжуд.

Непалдаги мавжуд тарихий обидалар ЮНЕСКО томонидан муҳофиза қилинади. Чунки мамлакат архитектураси, тўғрироғи Будда архитектураси Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Тибет ўлкаси каби минтақаларидаги тарихий обидаларнинг қурилишида пойдевор бўлган.

Ҳар йили Непалга 300-400 минг сайёҳ таширф буюради. Уларнинг катта қисмини баландлиги 8 километрли тоғ чўққилари, Катманду водийси ва 15 та миллий парклар ўзига жалб қилади. Ана шу паркларда ер юзида кам учрайдиган турфа хил гуллайдиган кактуслар мавжуд.



Пашупатинатх ибодатхонаси

## ШОҲЛАР СУЛОЛАСИ ҚЎЛ ОСТИДА

Непал тарихига кўз ташлайдиган бўлсак, у қадимги Ҳинд қўлёзмаларида биринчи минг йилликнинг бошларида илк бор учрайди. XVIII аср ўрталаридан гурхлар йўлбошчиси Притхви Нараян Шоҳ кичик ер эгалари ва зодагонларни бирлаштира бошлади. 1769 йилда у бутун Катманду водийсини қўлга киритди ва ҳозирги вақтга қадар мамлакатни бошқариб келаётган Шоҳлар сулоласига асос солди. Тўғри, 1846 йилдан 1951 йилгача Непалда Британия томонидан тайинланган Рана сулоласи аъзолари ҳукмронлик қилишди. 18 феврал 1951 йилга келиб Рана сулоласи ҳукмронлиги тугатилди ва Конституцион монархия шаклидаги

давлат бошқаруви йўлга қўйилди. Ҳозирда қирол рамзий бошқарувга эга бўлиб, Конституция ва қонунлар у билан келишилган ҳолда чиқарилади. Қонун чиқарувчи ташкилот — икки палатали парламент Миллий мажлис ва вакиллар палатасидан иборат. Амалдаги Конституция 1990 йилда қабул қилинган.

Шу ўринда 2006 йилнинг 1-2 июн кунлари мамлакатда содир этилган хунрезлик нафақат Непал аҳолисини, балки бутун дунё жамоатчилигини ларзага солганлигини қайд этиш лозим. Непал тарихида ҳам ўзига хос «узун пичоқлар туни» воқеаси содир бўлди. Гап шундаки, 30 ёшли шаҳзода Дипендра ўзидан 10 ёш

кичик бир қизни севиб қолади ва унга уйланмоқчи бўлади. Лекин Непал қироличаси, яъни Дипендранинг онаси бунга қаттиқ қаршилиқ қилади. Чунки мамлакат қонунига биноан, шаҳзода фақат Шоҳлар сулоласидан бўлган қиз билан турмуш қуриши шарт эди. Ҳатто бунинг учун номзод ҳам топиб қўйилганди. Лекин шаҳзода бундай никоҳга қарши чиқади ва оиладаги ўзаро низолар охир-оқибат фожеа билан тугади.

1 июн куни тунда Дипендра қўлига АК-47 автоматини олади ва аввал отаси — қирол Бирендранни, онаси — малика Айшварияни, кейин укаси ва синглисини ҳамда 4 нафар яқин қариндошларини отиб ташлайди. Шундан сўнг ўз жонига қасд қилади. Шаҳзода 2 кундан сўнг, ўзига келмай вафот этади. Непал ҳукумати эса тахт тепасига қирол Бирендраннинг укаси Гианендранни ўтказишди.

Непал тарихи ҳақида гапирилганда, Будда ва унинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Буддизм динининг асосчиси Будда — Сиддхартха Гаутама ёки Шакья-Муни (унинг иккинчи номи) тарихий шахс бўлиб, қўлёзмаларда Непалнинг Лумбини шаҳрида ҳукмдорлар оиласида туғилганлиги қайд қилинади. У 29 ёшида ноёб қобилиятга эга бўлади ва етти йил узлатда, дарбадарликда ҳаёт кечиради ва шундан сўнг «илохий» деган номни олади. Гаутама монахлар жамияти — сангхага асос солган.

Нурбек ЮЛДОШЕВ  
тайёрлади

«Альянс» хусусий фирмасига қарашли кадастр рақами 2385876364 бўлган Ер ресурслари ва Давлат кадастр бошқармаси томонидан берилган йўқолган кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли  
**ҲАҚИҚИЙ ЭМАС**  
 деб ҳисоблансин.

«ХОЛНСАНОАТСАВДО» хусусий корхонаси ўз фаолиятини тугатмоқда. Ариза ва эътирозлар эълон чиққан кундан кундан бошлаб 1 ой мuddатда Тошкент шаҳар Сирғали тумани 73-уй, 42-хонадонда қабул қилинади.

Тел.: 402-30-95



Чаман ичинда бир гул...

Бир кунни Афанди...



Афанди бошлигига кўнгирак қилапти:

- Тўра Тўраевич, мен бугун ишга кечроқ бораман. Уйда пича муаммо чиқиб қолди.
- Сен ҳеч муаммодан бўшамас экансан-да!.. Яна нима бўлди?
- Хотиним битта минг сўмликини йўқотиб қўйиб, роса қидираяпти.
- Хўш, сенга нима дахли бор? Изласа излайверсин. Тез ишга етиб кел!..
- Йўқ, боролмайман. Мен ҳозир ўша мингталикнинг устида ўтирибман.

*Уч-э!*  
Оноре де Баль-  
зак ҳар кун  
20 ташкадан  
ағтиқ қаҳва игар  
экан.  
У ўзининг  
«Ишонч комедия-  
си» асарини ёзиб  
тўраётганига  
қадар 15000  
ташка ағтиқ қора  
қаҳва иган.

Афоризм

Ҳаёт — оқар  
дарё. Аммо бу  
оқиб кетиш ке-  
рак дегани эмас.  
Ҳаётда нимадир  
қолдириш керак.

Изоҳи сиздан...



Менинг аҳволим ёмон,  
Тўғларим ҳам тамом.  
Миниб олди оғир юк,  
Эгилганман кўксим бук.  
Ота-бобом касби шу,  
На бир ем, на бир сув.  
Тинмай меҳнат қиламиз,  
Ишлаймиз-тишламаймиз.  
Сизга бир илтимосим,  
Чикармангиз жадлимни.  
Бир тугса қайсарлигим,  
Шунда биларсиз қадрим!  
Яна сизга арзим бор,  
Эшакнинг ҳам жони бор!

Нозимахон АХМАДБЕКОВА,  
Тошкент шаҳри

Қир адирда эшак миниб,  
Сайр қилиш мазада.  
Отга минишдек қийинмас,  
Бўйи ҳам паст «тизада»  
Ювошлигин айтмайсизми,  
Қимир этмай туради.  
Нечта одам минса ҳам,  
Қилт этмасдан юради.  
Минг мақтовни айтса арзир,  
Бундай яхши эшакка.  
Яхшигина сийлаш керак,  
Арпа-емга, хашакка.

Одам зотин зулмидан,  
Эшак ҳеч қутулмади.  
Ипни узиб қирларга  
Қочиб кетди, бўлмади.  
Яхшигина юрган эди,  
Қир адирда, ўтлоқда.  
Гоҳ дарада, гоҳ сойда,  
Тоғу тошда тошлоқда.  
Бечорани ушлаб минди,  
Учта шоввоз, уч чаққон.  
Жониворни елкасидан,  
Қачон тушаркин, қачон?!  
Эҳ, бечора эшаквой,  
Сенга раҳмим келяпти.  
Тўғрисини айтсам агар,  
Мениям мингим келяпти.


Содиқ ИСАЕВ,  
Самарқанд вилояти

Ака-ука ва сингил,  
Вазнимиз ўта енгил,  
«Йўрға» миз ҳам чопагон,  
Ўзи ҳам очик кўнгил.

«Сигнали» ўзи билан,  
«Фараси» кўзи билан.  
«Бензини» ҳам мўлу қўл,  
Ўтлар қўй-қўзи билан.

Келингиз бизни ёққа,  
Олиб чиқамиз тоққа.  
Гул-лолалар терамиз,  
Сигдирилмай кучоққа.

Рустам САТТОРОВ,  
Наманган вилояти



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус  
совгамиз бор. Энди навбатдаги суратга  
изоҳ топинг-чи?


Фарғона вилоят қасаба уюш-  
малари ташкилотлари бирлаш-  
маси кенгаши жамоаси, тар-  
моқ қасаба уюшма вилоят ке-  
нгашлари ва Марказий кенгаш-  
ларнинг вилоятдаги вакиллик-  
лари бирлашма кенгашининг  
етаки мутахассиси Абдулла  
Дехқонов фарзанди  
**БАХРОМЖОН**нинг  
бевақт вафоти муносабати би-  
лан чуқур таъзия изҳор этади-  
лар.

Мунажжим башорати

(27 майдан - 2 июнгача)




ҚУЙ. Мана янги бурилиш. Ўзингизни билаясизми? Ажойиб вақт келди: муҳаббат, саргузашт, яқинлар ва болалар билан кўнгилочар ёки гўзал муносабатлар. Ҳаммаси жойида. Иш йўлига тушиб кетди. Савҳатга бормоқчимисиз? Марҳамат, келгуси ҳафтага тайёргарлик кўраверинг. Тақдирдан чўчиманг. У ўзига бўйсунганларни етаклайди. Қаршилик кўрсатганларни судраб кўради, холос. Сиз бу ҳақда биласиз-ку.



БУЗОҚ. Аслида сиз нима хоҳлаётганингизни аниқлашга ҳаракат қилинг. Ниҳоқдаги ёки бизнес ҳамкорингиз билан муносабат шунга боғлиқдир. Бутун куч-ғайратини уй ишларини йўлга қўйиш, ободончилик, яқин кишилар билан муносабатни яхшилашга қаратинг. Шунда тижорат ишлари ҳам жойига тушади, ҳамкорлар билан муносабат яхшиланади. Бир-бирингизни аниқлаш катта ютуқлар омили бўлади. Яхши ёки унча яхши бўлмаган маънода шўҳрат топинишгизга ҳам имкон пайдо бўлади.




ЭГИЗАКЛАР. Иш ва соғлиқ аввалгидек алоҳида ва қаттиқ эътиборни талаб қилади. Ҳолатдан чиққининг яхши йўли уйда ишлаш. Чунки иш катта моддий чиқимларни, руҳий кечинмаларни талаб қилади. У сизнинг жуда кўп вақтингизни олади. Дам олишга ва сеvimли иш билан шуғулланишга имкон бермайди. Яқинларингиз сизни тушунсалар, бўш томонларингиз бўлса ҳам сизни қабул қилсалар. Мана сизга нима керак.



ҚИСҚИЧБАКА. Шундай қилиб куч ва воситаларнинг қуйилиши, ижодий ютуқлар, ҳар хил ғийбатлар, ижтимоий фаолиятнинг жонланиши, томошагоҳларга интилиш — ҳаммаси олдинда. Фақат бу эмас... Аёллар оилага интиладилар. Қисқаси, муҳаббат ва бахт. Қолган барчаси сиз учун ҳеч нарса эмас. Оилавий низо бу уйғунлиқни бузиб юбориши мумкин. Тугилаётган туйғуларни асранг.




АРСЛОН. Уйдаги ўзгаришлар қалбадаги ўзгаришларга йўлдош бўлади. Олдин ўзингизни ўрганиб олинг. Вақти-вақти билан «ўзингиздан чиқиб» оилангиз учун фойдали нимадир қилинг. Ким маънавий амалиёт билан шуғулланса, ўз оламини солиқ йўлга қўйсин. Яна бир ҳаёт тарзи шунда намоён бўладики, тақдирингизнинг уйғун оҳангига қўшилиб кетгайсиз.



ПАРИЗОД. Муносабатлардаги ўзгаришлар ҳаётингизнинг яширин тарафларига таъсир қилади. Асабингиз бузилмасин. Кўзга бил бораётган жадли жияловланг. Ҳуқуқингизни ҳушмуомалалик билан ҳимоя қилинг. Мухими, нима қилиш кераклигини билсангиз чараваринг. Изчил бўлинг. Муваффақиятга эришасиз. Мухим учрашув ва мулоқотлар кутмоқда. Бу йўлдан оғишмай бораверинг.



ТАРОЗИ. Сиз ҳаётга жорий этаман деган нарса учун куч ва маблағни сарфлашга арзирмикан? Ҳа, албатта. Бу эҳтимол ошқингизга муваффақият келтирар. Ижодий жиҳатдан ўзини намоён қилишга имкон берар. Қизиқарли лойиҳасини амалга оширар. Дўстларингиз ва маслақдошларингиз бунда сизга ёрдам беради. Сиз ўзингизни яхши томондан намоён қиласиз. Кўнглингиз очилади. Ҳар ҳолда агар сиз бундай тadbирларга пулим йўқ десангиз, бу тўғри эмас.



ЧАЕН. Ички оламини ўзгартириш истаги пайдо бўлади. Руҳий кўтаринкилик беради. Олдиндаги ҳафта сизнинг ижодий ўсишингиз, янги ҳаётни бошлашингиз учун энг қулай вақтдир. Сиз жамоанинг бошидасиз. Улар билан муносабатни олдиндан айтиб бўлмайди. Ҳар қандай вазиятдан чиройли чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда муносабат бузилиши ва узилиши мумкин. Шунини хоҳлайсизми?



ЎҚОТАР. Керакли жойга керакли вақтда боришга ҳаракат қилинг. Шунда ҳаммаси сизнинг кўнглингизга қўнади. Ишонмайсизми? Истаганингизни қилинг. Мулоҳаза яратиш, хом ҳаёллар, ёмон одатлардан қутулиш учун вақт етарли. Касалларни парвариш қилиш, ўзингизнинг ҳам касалхонага тушиб қолиш ёки кўнглингиз бузилиши, ноҳуш кайфиятга тушиб қолишингиз эҳтимоли юқори. Кучингизни йиғинг. Мана, сиз учун қилишгиз керак бўлган зарур нарса шу.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Касб режангизда аҳволингиз анча хавфли. Бир нарса деб бўлмайди. Янги имкониятни тушуниб баҳолай оласизми, ёмон ҳолатда ўзингизни тута оласизми? Муваффақият мана шунга боғлиқ. Бошқа нарсалар, яъни мерос, инқироз ва ҳоказолар билан солиқчилар шуғуллансин. Ким нимани хоҳласа шу-да. Дўстлар билан муносабатни асранг. Улар билан алоқанинг мустаҳкамлиги синондан ўтади.



ҚОВҒА. Бу муҳим ҳафта. Улкан лойиҳаларни, катта-катта гоиларни ҳаётга жорий этиш учун қулай. Йўлингизни ўзгартиришингиз мумкин. Юксак озуларга интиласиз. Худо мададкорингиз бўлсин. Ўзингизни қўлга олинг. Худо-беҳудага ҳамкорингиз билан муносабатни бузиб қўймаг. Обруйингиз тушиб қолиши мумкин. Олдинда сизни улуг ишлар кутмоқда. Фақат ўзингизни бу синовлардан эсон-омон ўтказиб олсангиз, ишингизнинг устаси эканлигингизни кўрсатасиз.



БАЛИҚ. Бўладиган учрашув ва танишув сиз учун жуда катта аҳамиятга эга. Фақат ҳаяжонланманг. Ҳаммаси жойига тушади. Тўғри, айрим ноқулайликлар туғилиши мумкин. Доволик билан узоқни кўзлаб иш қилинг. Шунини унутмангки, муносабатни яхшилаш воситаси бу — мақтов. Айниқса, яқин кишиларнинг мақтови. Яқинларингиз сиз уйлагандан кўра тезда хафа бўладилар. Ишда кўп банд бўлсангиз ҳам оила, уй, қариндошларга эътиборни қамайтирманг.

**Sportlotto** 7/35  
112-тираж якуни

**24 000 000 jackpot**

8 2 5 17 6 3 33

7 та рақам - йўқ  
6 та рақам - 1 та - 400000  
5 та рақам - 8 та - 12000 сумдан

4 та рақам - 351 та - 1200 сумдан  
3 та рақам - 2554 та - 400 сумдан

Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон куч., 98-а ("Пахтакор" MC).  
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

<b>Ishonch</b>	<b>Бош муҳаррир</b> Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	<b>Бизга кўнгирак қилинг:</b> Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй, Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	<b>Навбатчи котиб</b> - Ж.Шарофбоев <b>Навбатчи муҳаррир</b> - Н.Рафиқов <b>Навбатчи</b> - А.Имаркулов <b>Мусахҳих</b> - Н.Юлдошев
	<b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси	<b>Тахрир ҳайъати:</b> Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулува Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёкубов, Фуломзоқир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан руйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сахифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.